



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИ**

**А Х Б О Р О Т Н О М А С И**

**№ 1-2 (25-26)**

---

**2011**

**ТОШКЕНТ – 2011**

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссияси  
АХБОРОТНОМАСИ**

**2011 йил №1-2(25-26)**

*1999 йилдан чиқа бошлаган*

**МУАССИС – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

**Материаллар ҳар бир сонда ўзбек ва рус  
тилларида босилади**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ РАИСИ**

**Мирзо-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

**Жавлон АБДУЛЛАЕВ**

**Комилжон АДИЛОВ**

**Отагалди БОБОЖОНОВ**

**Жанабай САДИКОВ**

**Ойбек СОАТОВ**

**Қўчқор ТОҒАЕВ**

**Маҳмадҷон ХЎЖАЕВ**

**Темур ШИРИНОВ**

**Комилжон ЮСУПОВ**

**Содиқжон ҚАСИМОВ**

**БОШ МУҲАРРИР**

**Низомиддин НУРМАТОВ**

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,  
Мустақиллик майдони, 6.  
[www.elections.uz](http://www.elections.uz)  
email: [info@elections.uz](mailto:info@elections.uz)  
Телефон: 239-43-91

**МУНДАРИЖА**

**5**

**Сайлов қонунчилигини янада ривожлантириш  
йўлидан**

**7**

**Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада  
чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини  
ривожлантириш Концепцияси**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ  
Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма  
мажлисидаги маърузаси (2010 йил 12 ноябрь)**

**37**

**М.Абдусаломов.** Сайлов қонунчилигини  
такомиллаштириш – демократик ислохотларни  
чуқурлаштиришдаги устувор вазифадир

**42**

**О.Соатов** Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг муҳим  
кафолатлари

**45**

**М.Нурматов.** Сайлов қонунчилигини  
такомиллаштириш Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан  
Қонунчилик палатаси депутатларини сайлашда  
кузатувчилар иштирокини таъминлашда муҳим  
аҳамият касб этади

**РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР**

**48**

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати  
аъзоси Ф.Ш.Акбарованинг ваколатини  
муддатидан аввал тугатиш тўғрисида”ги  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ  
САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ**

**49**

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси депутати Б.Ганиевнинг  
ваколатини муддатидан илгари тугатиш  
тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий  
сайлов комиссиясининг қарори**

**50**

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати  
аъзоси Д.Фазилов ваколатини муддатидан илгари  
тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

**51**

**“Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш  
тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий  
сайлов комиссиясининг қарори**



52

**“Бўшаб қолган ўринга сайланган Х.Чинибековни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

53

**“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

66

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Н.Жумаевнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

67

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси В.Кольцовнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

68

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Т.Рахмоновнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

69

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Ў.Барноевнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

70

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси А.Тўхтаевнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

71

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати О.Юнусовнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

72

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси А.Рамбергеновнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

73

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Ф.Акбарованинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

74

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси П.Иматовнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

75

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати А.Утемуратовнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

76

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси И.Ботировнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

77

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси С.Хамроевнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

78

**“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К.Тогаев тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

79

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати И.Самиевнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

80

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Н.Сидиқовнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

81

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Э.Байниязовнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

82

**“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Х.Нематовнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

83

**ДЕМОКРАТИЯ – ДОИМИЙ РИВОЖЛАНАДИГАН ЖАРАЁНДИР...**

87

**МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА**

94

**ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК**

94

Марказий сайлов комиссиясидаги учрашувлар

95

Сайловларнинг халқаро кузатувида иштирок этиш

96

Халқаро конференциялар ва бошқа анжуманларда иштирок этиш

## **САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАН**

Бу йил мамлакатимиз давлат мустақиллигининг йигирма йиллиги кенг нишонланди. Истиқлол йиллари мобайнида Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида мамлакатни янада демократлаштириш ва модернизация қилишга қаратилган чуқур ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида Президентимиз И.А. Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасидаги кэнг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлди.

Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлиги, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодий либераллаштиришини янада чуқурлаштириш каби ўзаро узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи йуналишларда ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини яратиш бўйича устувор йуналишлар ўз ифодасини топди.

Ўтган йил давомида Концепцияда белгиланган устувор йуналишларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича белгиланган вазифалар изчиллик билан амалга оширилди. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўналишида сиёсий тизимни изчил модернизация қилишга, давлат ва жамият тараққиётининг мутлақо янги босқичини бошлаб беришга хизмат қилувчи муҳим тарихий қонунлар қабул қилинди. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни кучга кирди. Шу тариқа Бош вазир номзодини таклиф этишининг тартиби узгартирилди. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Бу ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини янада кучайтирмоқда. Конституциямизда белгиланган мазкур нормалар мамлакатдаги барча янгилашлар ва ўзгаришлар учун сиёсий партиялар масъулияти ва жавобгарлигини ҳам оширмоқда. Чунки сиёсий партиялар Президент номзодини кўрсатишда ҳам, қонун чиқарувчи ва жойларда

давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларига номзодлар кўрсатишида ҳам, Бош вазир номзодини таклиф этишида ҳам асосан ягона субъект бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириши ва фуқаролик жамиятини ривожлантириши концепциясини сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириши соҳасида татбиқ этиши бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Марказий сайлов комиссиясида Сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириши соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича комиссия ишламоқда.

Авваламбор, таъкидлаш жоизки, қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиши муносабати билан миллий тажриба билан бир қаторда АҚШ, Германия, Франция, Россия, МДҲ мамлакатлари, Жанубий Корея, Канада ва бошқа давлатларнинг сайловларга тайёргарлик кўриши ва уларни ўтказиши соҳасидаги тажрибалари ҳар томонлама ўрганилиб таҳлил қилинди. Шу билан бирга 2004 ва 2009 йилда бўлиб ўтган парламент сайловлари натижалари бўйича Халқаро ташкилотлар кузатувчилар миссияларининг тавсия ва хулосалари ҳам ҳисобга олинди.

Ҳозирги вақтда Комиссия томонидан “Сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини янада ривожлантириши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунга ва “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиши ва қўшимчалар киритиши ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси тайёрланган. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши шубҳасиз Марказий сайлов комиссиясининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ҳам ўзгартиши ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам бу борада ҳам параллел равишда ишлар олиб борилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси давлатимиз раҳбарининг сайлов қонунчилигини такомиллаштириши бўйича қонунчилик ташаббуслари мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириши масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари, олимлар ва сайлов ҳуқуқи соҳасидаги мутахассислар иштирокида жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўнлаб илмий-амалий семинарлар, “давра суҳбатлари” ва конференциялар, шу жумладан иккита халқаро анжуман ўтказилди. Марказий ва маҳаллий матбуотда 40 дан зиёд мақолалар ва ахборот материаллари эълон қилинди, 40 дан зиёд телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар тайёрланиб эфирга узатилди. Бу борадаги ишлар давом этмоқда.

**ТАҲРИРИЯТДАН**

**МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ  
ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси**

Ҳурматли депутатлар!

Азиз дўстлар!

Шу кунларда барчамиз ниҳоясига етиб бораётган 2010 йилни яқунлаб, Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланадиган янги 2011 йил остонасида турибмиз.

Тарихимизга кириб келаётган бу буюк марра муносабати билан ўтган давр мобайнида ҳаётимиз сифати, мамлакатимиз қиёфаси қандай ўзгариб бораётгани, қандай ютуқ ва натижаларга эришганимиз, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қандай суръатлар билан ривожланиб бораётганимизни баҳолаш эҳтиёжи туғилмоқда.

Қисқача айтганда, биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуқтаи назаридан холисона баҳо беришимиз табиийдир.

Маълумки, Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-таксимот тизимидан воз кечиб, "ўзбек модели" деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди.

Биз ишлаб чиққан ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этаётган ушбу моделнинг маъно-мазмуни – давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишдан иборатдир.

Биз ислоҳотларни инқилобий усулда, яъни "шок терапияси" йўли билан амалга оширишдан онгли равишда воз кечиб, тадрижий тараққиёт йўлини танлаб олганимиз туфайли халқимизни қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлганимизни бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.



Изчил юқори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, қарийб йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этгани эътиборга сазовордир. Айниқса, ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшилангани ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганини мамнуният билан таъкидласак арзийди, деб ўйлайман.

2008-2010 йилларда, яъни дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда тушиб кетган, ишлаб чиқариш пасайган бир вақтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил этгани, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,5 фоизга етиши кутилаётгани, келгуси 2011 йилда эса 8,3 фоиз даражасида бўлиши белгилаб берилаётгани кўпгина халқаро тузилмалар, эксперт ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Дунёда, айниқса ривожланган мамлакатларда давлатнинг ташқи қарзлари кўпайиб бораётгани жиддий хавотир туғдираётган бир пайтда Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизидан ошмайди, давлат бюджети эса сўнгги беш йилда профицит билан бажарилмоқда.

Албатта, мамлакатимиз кўлга киритаётган бундай улкан ютуқлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Маълумки, собиқ тузум даврида республикамизнинг иқтисодиёти бир томонлама ривожланган, фақат хомашё етиштиришга йўналтирилган бўлиб, машъум салбий оқибатларга олиб келган пахта яккаҳоқимлиги авжига чиққан эди. Ўзбекистон ўзининг қолоқ ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмаси билан собиқ иттифокда жон бошига истеъмол даражаси бўйича энг паст ўринда турарди. Мустиқил ривожланиш йилларида – тарихан қисқа бир даврда юртимиз янги ва улкан марраларни кўлга киритди, бунинг натижасида мамлакатимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бормоқда.

Айни пайтда барчамиз бир ҳақиқатни ўзимизга аниқ тасаввур этишимизни истардим. Яъни, эришилган бундай марралар – барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас,

амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми, холос.

Бу йўлда биз дуч келишимиз мумкин бўлган шундай бир хавф борки, у ҳам бўлса, авваламбор эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқеликдан узилиб қолиш хавфидир. Бу эса мамлакатимиз тараққиётининг самарадорлиги ва истикболига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт.

Маълумки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис авваламбор рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ пировард натижада муваффақиятга эришади.

Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаб айтмоқчиманки, мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан холда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор.

Шу маънода, 1992 йил декабр ойида қабул қилинган, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борадаги ишларимиз 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган кейинги 10 йил давомида янада фаоллашиб, кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бормоқда.

Натижада бугунги кунга келиб биз ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимизга эришдик, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Бунинг тасдиғини мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларимиз ўзгариб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани мисолида кўриш, англаш қийин эмас.

Юртдошларимизнинг, бутун жамиятимизнинг ҳаётидаги ана шундай ўзгариш ва янгилашнилар, ўз моҳият эътиборига кўра, бугунги кунда мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривожланиб боришини таъминлаётган ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни холисона баҳолаш, қўлга киритган юксак марраларимизни таҳлил этиш мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам оғишмай қатъият билан боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, куйидаги йўналишларни демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида белгилаш зарур, деб ўйлайман.

## **I. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш**

Маълумки, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципни ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди.

Бу жараёнда марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг вазифаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга катта эътибор берилди. Бошқача айтганда, уларнинг ваколатларини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш ва пировард натижада давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини жиддий камайтириш кўзда тутилган эди.

Бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди.

Икки палатали миллий парламентимизни ташкил этиш масаласи бўйича 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум яқунлари ва шу асосда "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг асосларини белгилаб берди.

Бундан кўзланган асосий мақсадлар парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, қонун ижодкорлигининг сифатини жиддий равишда ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдан иборат эди. Бу борада таркиб жиҳатидан асосан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакилларида ташкил топган юқори палата – Сенатнинг ҳудудлар манфаатларини ифода этиши, қуйи – Қонунчилик

палатаси эса ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга ошириши ҳисобга олинганини айтиб ўтиш лозим.

Таъкидлаш керакки, миллий парламентимизнинг ривожланишида янги парламент ва унинг ҳар бир палатасининг мақоми, ваколатлари ва фаолият механизмлари аниқ белгилаб берилган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги конституциявий қонунларнинг 2003 йилда қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этди.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норманинг чиқарилиши ушбу даврдаги муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеалардан бири бўлди. Бугунги кунда Конституциямизнинг 89-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди" деган қоида белгилаб қўйилган.

Илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозимининг тугатилиши ҳам либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Қабул қилинган қонунларга мувофиқ эндиликда Бош вазир нафақат Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади, балки унга раҳбарлик қилади ва унинг иши самарадорлиги учун шахсан жавоб беради, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раислик қилади, ҳукумат ҳужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф қилинади:

"Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар,

ташкilotлар, мансабдор шахслар ва фукаралар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилаётган ушбу ўзгартишларнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, уларга кўра, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги тартиби ўрнатилмоқда. Шунингдек, Конституцияга киритилаётган бу ўзгартишларга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилмоқда. Айтилган вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари доирасидан чиқарилмоқда.

Таклиф этилаётган яна бир муҳим ўзгартиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига тааллуқлидир.

Мамлакат Президенти турли сабабларга кўра ўз вазифасини бажара олмайдиган вазият юзага келган тақдирда ноаниқликка, ушбу моддани турлича талқин этишга йўл қўймаслик мақсадида унинг янги таҳририни кўйидаги мазмунда баён этиш таклиф қилинади:

"Мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмай-диган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига зикр этилган тузатишларни киритиш таклиф этилаётгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78- ва 93-моддаларига ҳам тегишли ўзгартишлар киритиш зарурати туғилади.

Жумладан, Конституциянинг 78-моддаси 15-бандини "... шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш" деган сўзлар билан тўлдириш керак.

93-модданинг 15-бандига "вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади" деган сўзлардан олдин "Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан ..." деган сўзларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

93-модданинг 8-бандидан "ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади" деган сўзларни чиқариш тавсия этилади.

93-модданинг 16-бандини "...Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли" деган сўзлар билан тўлдириш лозим.

Шунингдек, 93-модданинг 12-бандидан "Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори" деган сўзлардан кейин "унинг ўринбосарлари" деган сўзларни чиқариш ва уларнинг ўрнига "Ҳисоб палатаси раисини" деган сўзларни киритиш ва ундан сўнг матн бўйича "тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади" деган тарзда баён этиш керак.

**Ҳурматли мажлис иштирокчилари!**

Биз ҳаммамиз шуни аниқ англаб олишимиз зарурки, сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган бошқа қатор чора-тадбирлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради.

Айни вақтда шуни унутмаслигимиз керакки, мазкур ислохотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки, биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етуқлик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир.

## **II. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш**

**Қадрли дўстлар!**

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам биз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ислохотларнинг мазкур йўналишига алоҳида эътибор қаратганимиз бежиз эмас. Ана шундай ёндашув туфайли бу борадаги ишларнинг кўлами, миқёси ва самарадорлиги кейинги ўн йилликда ниҳоятда кенгайиб, янги босқичга кўтарилганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга ошириш мақсадида "Судлар тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, шунингдек, бу даврда жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. **Бу эса ўз навбатида суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсирдан чиқариш имконини берганини алоҳида таъкидлаш лозим.**

Айни пайтда судьялик лавозимига номзодларни тақдим этиш, судьяларнинг ваколатини тўхтатиш ва муддатидан олдин тугатиш, уларга нисбатан интизомий иш юритувни қўзғатиш вазифалари Адлия вазирлиги ваколатидан чиқарилгани ҳам бу борада муҳим қадам бўлди.

Бундан ташқари, судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, хусусан, суд тизими учун кадрлар масалалари билан шуғулланиш вазифаси махсус орган – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юклатилганини қайд этиш лозим.

Шулар қаторида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли тузилма – Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди. Бу эса судларнинг уларга хос бўлмаган вазифалардан сезиларли даражада халос бўлиши ва бутун диққат-эътиборини ўзларининг асосий бурчи бўлмиш одил судловни амалга ошириш учун қаратиш имконини берди.

Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу ўз навбатида уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

**Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича катта кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди.**

Айнан ушбу даврда кассация инстанцияси ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилгани ҳам муҳим янгилик бўлди. Мазкур ўзгаришларга мувофиқ эндиликда апелляция инстанцияси ишни



янгидан кўриб чиқишга юбормасдан, уни ўзи тўла ҳажмда кўриб чиқиши мумкин.

Бугунги кунда фуқаролар қонуний кучга кирган биринчи инстанция суд қароридан норози бўлган тақдирда, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кассация инстанциясида, ўз адвокати иштирокида бевосита ҳимоя қилиш имконига эга бўлишди. Шу тариқа фуқароларнинг биринчи инстанция судларининг қарорларига нисбатан шикоятларини яширин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби батамом тугатилганини таъкидлаш лозим. Амалга оширилган ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, жорий этилган янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим қафолатига айланди.

Шу борада қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Агар 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибида тузатилган бўлса, 2009 йил якунларига кўра, бундай ҳолатларнинг 85 фоиздан ортиғи апелляция ва кассация тартибида бартараф этилган.

**Ҳозирги вақтда мамлакатимизда прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.**

Айниқса, 2008 йилда "Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борада ғоят муҳим аҳамият касб этди. Шу асосда амалдаги қонунчилигимизга суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш жараёнининг энг муҳим таркибий қисми бўлган адвокатура мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу қонунга мувофиқ ҳимоячига жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслардан мутлақо мустақил равишда жиноят иши процессининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи берилгани эътиборга сазовордир.

Шу билан бирга, ҳимоячининг кўрилаётган ишда иштирок этиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ўзига ижозат берилгани тўғрисида ёзма равишдаги тасдиқловчи ҳужжат ва шунингдек, ўз ҳимоясидаги шахс билан учрашиш учун рухсат олиш мажбуриятини белгилайдиган нормалар жиноят-процессуал қонунчилигидан чиқарилди. Эндиликда буларнинг барчаси учун – шунга эътибор беринглар – адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлик муассасаси томонидан бериладиган ордернинг ўзи кифоядир.

Қонунда адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, унинг ўз ҳимояси остидаги шахсга нисбатан позициясини ўзгартириш мақсадида ҳар қандай шаклда таъсир ўтказишга қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланганини эътироф этиш зарур.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди.

Ушбу соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар, хусусан, 2001 йилда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этганини ишонч билан таъкидлаш лозим.

**Мазкур Қонунга кўра, жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.**

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 11 та моддасига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилди.

Айтиш керак-ки, жазо тизимини либераллаштириш бўйича амалга оширилган бундай чора-тадбирларнинг нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Ишончим комил, хўжалик ишлари билан боғлиқ жиноий ишлар бўйича одамларни қамаш шарт эмас – бу давлатга жуда қимматга тушади, қолаверса, бундай жазо тури маҳкумларни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш вазифасини ҳал қилмайди.

Жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги бундай чоралар натижасида Ўзбекистонда ҳозирги кунда қамоқдагилар сони жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткични, яъни ҳар 100 минг нафар аҳолига 166 кишини ташкил қилади. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, Россияда бу кўрсаткич 611 кишини, АҚШда 738 кишини ташкил этади. Мамлакатимизда сўнгги ўн йилда озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳбуслар сони икки баробардан кўпроқ камайганининг ўзи ҳам бу соҳада олиб борилаётган ислохотларимизнинг қандай ижобий натижалар бераётганидан далолатдир.

**Маълумки, Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди.**

Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳамжамиятнинг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлгани албатта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ўта муҳим воқеадир. Нуфузли хорижий экспертларнинг таъкидлашига кўра, ушбу чора ва бу соҳада юқорида

кўрсатилган бошқа бир қатор ишларнинг амалга оширилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг либерал жиний жазо тизимларидан бири яратилди. Халқаро экспертларнинг бу борадаги қиёсий таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Польшада 5 та, Бельгия ва Россияда 6 та, Данияда 9 та, Швецияда 13 та, Францияда 18 та, Голландияда 19 та жиний тури бўйича тайинланиши мумкин.

Ўзбекистонда эса умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиний, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади. Ушбу жазо тури бизнинг мамлакатимизда хотин-қизларга, жиний содир этган пайтда 18 ёшга етмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркаларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Айтинглар, азиз дўстлар, мана шу олиб келинган далиллар Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин биз қўлга киритган энг катта, энг муҳим ютуқларимиз эмасми? Шу нуқтаи назардан қараганда, юртимизда ҳақиқатан ҳам адолат ўрнатишда жиний йўлига кирганларга энг одил ҳукм чиқаришда бу мисоллар яққол далил эмасми? Бу масала бўйича ўзгалар, бизга ақл ўргатадиганлар балки биздан ўрнак оладиган вақт келмадими?

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилганини таъкидлаш лозим.

**Бу борада "Хабеас корпус" институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши принципиал қадам бўлди.** Ушбу қарорнинг ўз вақтида ва пухта ўйлаб қабул қилингани бугунги кунда кўпгина амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу институт жорий этилган 2008 йилнинг январидан буён судлар томонидан дастлабки тергов органларига 700 мартадан ортиқ ҳолатда мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилингани ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди.

**Мамлакатимизда жиний-ҳуқуқий соҳани либераллаштириш борасидаги ислохотлар ҳақида гапирганда, жиний-процессуал қонунчилигимизга киритилган ўзгартишларга мувофиқ тергов ва шахсни қамоқда сақлаш муддатлари қисқартирилганини таъкидлаш лозим.**

**Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига 2001 йилдан бошлаб ярашув институти киритилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда.** Ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиний қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда жиний жавобгарликка тортилмайди.

Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг

изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди. Ҳозирги кунда 53 та жинойт таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилган.

**Шу борада яна бир мисолга эътибор берайлик. Ярашув институтининг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга яқин фуқаро жинойий жавобгарликдан озод этилди.**

Сўнги йилларда юртимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасида жиддий ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда, прокуратура фаолиятини ислоҳ қилиш, уни собиқ тузум даврида бўлганидек партиявий элита қўлидаги жазолаш қуроли эмас, балки қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Масалан, 2001 йилда янги таҳрирда қабул қилинган "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ фуқаролар прокурор назорати объектлари қаторидан чиқарилди. Айни пайтда прокуратуранинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш учун масъулияти оширилди.

**Шунингдек, суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи прокуратура ваколатлари доирасидан чиқарилди. Туман ва шаҳар прокурорларининг эса тергов ва айбланувчини қамокда сақлаш муддатларини узайтириш ҳуқуқлари бекор қилинди.**

Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг қўламли вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масаласини кун тартибига қўяётганини биз ўзимизга албатта яхши тасаввур этамиз.

Бу борадаги вазифаларни самарали хал қилиш мақсадида қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш таклиф этилади.

**Биринчи.** Бундан ўн йил олдин қабул қилинган амалдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Яъни, ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этмоқда.

**Иккинчи.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади. Бу ўринда судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини **фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби назарда тутилмоқда.**

Ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлайди.

**Учинчи.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш ва унга мувофиқ биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норма ўрнатиш таклиф этилади. Чунки амалдаги қонунчиликда давлат айбловчиси, яъни прокурорнинг суд мажлисида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш бўйича мажбурияти аниқ белгиланмаган. Шунинг учун айблов хулосаси кўпинча судьялар томонидан ўқиб эшиттирилади. Бу эса суднинг вазифа ва мақсадларига мос келмайди. Жиноят-процессуал қонунчилигига юқорида кўрсатиб ўтилган норманинг киритилиши суднинг мустақиллиги, холислиги ва беғаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилади.

**Тўртинчи.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши кўзғатишга доир ваколатини чиқариш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Маълумки, жиноят ишини кўзғатиш аввало суриштирув ва дастлабки тергов органлари, жиноий таъқибни амалга оширадиган бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси ҳисобланади. Суддан эса шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканини холис баҳолаш талаб этилади.

Ваҳоланки, ҳозирги пайтда суд томонидан жиноят ишини кўзғатиш тарзидаги процессуал ҳаракатнинг амалга оширилиши моҳиятан жиноий таъқибнинг ва ундан келиб чиқадиган барча оқибатларнинг бошланиши ҳисобланади. Бу эса судни жиноий таъқиб иштирокчилари тоифасига киритиб қўяди. Айтиш керак-ки, бундай амалиёт суднинг олий мақсади бўлган одил судловни амалга ошириш тамойилига мутлақо мос келмайди.

**Бешинчи.** Тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб берадиган **"Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш таклиф** этилади. Ушбу қонуннинг мақсади тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилган. Бу қонуннинг қабул қилиниши демократик давлатларнинг умумэътироф этилган амалиётига мос келади. Таъкидлаш керакки, бу қонун жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича чораларнинг самарадорлигини, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Айни пайтда ҳуқуқни

муҳофаза қилувчи органларнинг, авваламбор, ички ишлар идораларининг бу соҳадаги фаолиятининг янада либераллашувини таъминлашга олиб келади.

**Олтинчи.** Фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини** ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш зарур.

1994 йилда қабул қилинган амалдаги мазкур кодексга ўтган давр мобайнида 60 мартадан кўпроқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Унинг янги таҳрири суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан маъмурий қонунчилик ва жиноий-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта миқёсдаги принципиал ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг қўламли тарзда акс эттириши лозим.

Бунда авваламбор жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, яъни, айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказишни кўзда тутиш зарур. Кодекснинг янги таҳрирда қабул қилиниши бугунги кунда ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчилиكنинг унификациялашувини, яъни бирхиллашувини таъминлайди.

Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чораларни ҳам мазкур кодексда кўзда тутиш лозим.

**Еттинчи.** Ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан, прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш талаб этилмоқда.

Адлия органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини ўтказишдаги ролини кучайтириш учун уларга зарур бўлган тегишли ваколатларнинг берилиши мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш имконини беради ҳамда ушбу органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Саккизинчи.** Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.

Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу

дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди, деб ўйлайман.

### **III. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш**

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантirmасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз.

Маълумки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса охириги 10 йилда оммавий ахборот восита-ларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Юртимизда аввало оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

**"Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг** қабул қилиниши ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширишда, шунингдек, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Сўнгги йилларда янги таҳрирдаги **"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонунга, шунингдек, "Телекоммуникациялар тўғрисида", "Реклама тўғрисида", "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги** ва бошқа бир қатор қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса янги сиёсий шарт-шароитларда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни таъминлади. Шу билан бирга, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг қамровли институционал ислоҳотлар амалга оширилди.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларини кўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида бир қанча жамоат ташкилотлари ташкил қилинди. Ўз таркибида 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситасини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди шулар жумласидандир.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг, ахборот технологиялари ва тизимларини кўллаган ҳолда, ахборот ресурсларидан фойдаланиш механизмларини белгилаб берган янги таҳрирдаги **"Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг** қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги теле-радиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда.

Дунёдаги етакчи мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизимининг такомиллаштирилиши ахборот соҳасидаги фаолиятнинг сифати ва савиясини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида кўп жиҳатдан хал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Бундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида фақат кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда.

Яна бир муҳим янгилик эфир орқали узатиладиган материалларни тайёрлаш жараёнига замонавий рақамли ва мултимедиа технологиялари жорий қилинаётганида намоён бўлмоқда. Юртимизда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда уларнинг сони 6 миллиондан ортиб кетгани ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишларни танқидий баҳолаш эканмиз, муҳим бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз зарур, деб ўйлайман. **Яъни бу ўринда гап оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек, таҳририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар**



томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳақида бормоқда.

Шу боисдан қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда:

**Биринчи.** "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида" Қонун қабул қилиш зарур. Бу ўз навбатида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгрок амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтирган бўлур эди.

Ушбу қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериши, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаши лозим.

Мазкур қонуннинг жорий этилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда, таъминлаши зарур.

**Иккинчи.** Демократлаштириш жараёнларида аҳамияти тобора ортиб бораётган ахборот коммуникациялари соҳасининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган телерадио тизимини ривожлантиришга қаратилган "Телерадио-эшиттиришлар тўғрисида" Қонун қабул қилиш ҳақида таклиф киритилмоқда.

Маълумки, ҳозирги вақтда ушбу соҳадаги фаолият оммавий ахборот воситалари, радиочастота спектри, телекоммуникациялар, ахборотлаштириш тўғрисидаги қонунларнинг муайян моддалари билан тартибга солиб келинмоқда.

Шу билан бирга, телерадиоэшиттиришлар соҳасини мустақил кудратли индустрия сифатида қайта ташкил этиш, телерадиоэшиттиришларнинг янги шакл ва турларининг пайдо бўлиши телерадиодастурларни тайёрлаш ва узатиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тизимли ва кенг кўламли равишда тартибга соладиган яхлит қонунни кучга киритиш заруратини туғдирмоқда.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни янада кучайтириш, телерадиодастурларни узатиш борасида мобил ва рақамли телевидение каби илғор замонавий технологияларни жорий этиш, телеиндустриянинг истиқболли янги тармоқларини ташкил қилиш учун зарур шароитларни яратиш имконини беради.

Бу қонун миллий телерадиоэшиттиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ва молиялаштириш манбаларининг эркинлиги ва мустақиллиги каби принципларини белгилаб беришга, радиочастоталарни олиш учун ўтказиладиган танловларнинг демократик ва

ошкоралигини таъминлаш, тенг рақобат ва электрон медиа-бозор тармоқларининг монополлашувига йўл қўймаслик учун шароит яратиш ва бошқа бир қатор муаммоларни ечишни назарда тутди.

**Учинчи.** Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқдир.

Ушбу вазифани амалга ошириш учун **"Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"**ги қонунларни қабул қилиш таклиф этилади. Бу қонунлар ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутди.

**Тўртинчи.** Оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш мақсадида **"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"**ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади.

Бунда, хусусан, давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни кўзда тутиш лозим. Оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар устида иш олиб бориш зарур.

Шу билан бирга, сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозим.

**"Телекоммуникациялар тўғрисида"**ги Қонун нормаларини янада такомиллаштириш, рақамли телерадиоэшиттириш тизимида ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ҳам ушбу вазифани ҳал этишга хизмат қилади. Мазкур дастур рақамли телерадиоэшиттиришлар инфратузилмасини шакллантириш, бу борадаги фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган самарали тизимни яратишга қаратилиши даркор.

Мухтасар айтганда, юқорида зикр этилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институт-

лари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустахкамлашга, фукароларнинг сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

#### **IV. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш**

Эркин сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этади. **Сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фукароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир.**

Шу муносабат билан ўтган давр мобайнида юртимизда самарали, демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида ғоят чуқур ўзгаришлар амалга оширилганини таъкидлаш ўринлидир.

Маълумки, Конституциямизга, шунингдек, "Сайловчилар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида", "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунларга 2003 ва 2008 йилларда тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Шу билан бирга, ушбу даврда мазкур соҳага оид кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Буларнинг барчаси миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашувини, икки палатали парламент сайловларининг қонун талаблари ва умумэтироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукамал қонунчилик базасининг шаклланишига олиб келди.

Ушбу қонунларда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг **фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди.** Мамлакат Президенти лавозимида, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни сиёсий партиялар томонидан, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларни эса – сиёсий партияларнинг жойлардаги тегишли органлари томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принципаал қоида мустахкамланди. Депутатликка номзодларнинг давлат ҳокимияти ижро органлари томонидан кўрсатилиш амалиёти бекор қилинди ва бу мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлидаги принципаал қадам бўлди.

Шу борада сайлов қонунчилигимизга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган, энг ривожланган демократик давлатлар тажрибасида ҳам камдан-кам учрайдиган мутлақ ваколатларнинг Марказий

сайлов комиссиясига берилишини кўзда тутадиган ўзгартишларнинг киритилиши ўта муҳим аҳамиятга молик улкан воқеа бўлди. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, сайлов кампанияси жараёнига давлат ва ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмалари томонидан аралаштишга қаратилган ҳар қандай уриниш қонун билан тақиқланиши ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

2009 йилги сайлов арафасида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича Концепция ишлаб чиқилди. Мазкур Концепция хорижий экспертлар томонидан фуқароларнинг сайлов ва ўз хохиш-иродасини эркин билдириш борасидаги конституциявий ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича ноёб ҳужжат сифатида баҳоланган эди. Ҳақиқатан ҳам, ушбу Концепциянинг амалга оширилиши сайловнинг қонун талабларига тўла мувофиқ ҳолда, сиёсий партияларнинг ўта фаол иштирокида, сайлов жараёнига марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашувига йўл қўймасдан ўтказилишини таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнади.

Бизнинг қонунчилигимизда сайлов кампаниясининг бирон-бир иштирокчиси учун қандайдир алоҳида имтиёз ва преференциялар берилмаслиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларига мувофиқ, Президент сайлови, парламент ва давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ҳозирги вақтда қонун билан белгиланган ягона кунда – уларнинг конституциявий ваколатлари муддати тугайдиган йилнинг декабр ойи учинчи ўн кунлигидаги биринчи якшанба куни ўтказилади.

Айтиш керакки, бизнинг сайлов тизимимиз ривожига 2008 йили сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгартишлар муҳим босқич бўлди. Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди, шундан 135 нафар депутат сиёсий партиялардан сайланади. Бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ниҳоятда муҳим ва долзарб аҳамият касб этиб бораётганидан келиб чиққан ҳолда, қуйи палатамиздаги 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилди.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларига сайлов жараёнининг янада либераллашувини таъминлайдиган бир қатор нормалар киритилди. Жумладан, сайловда иштирок этадиган сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўтиши учун ўрнатилган муддат 6 ойдан 4 ойга туширилди.

Айни вақтда сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши учун рухсат бериш масаласини ҳал этиш борасида зарур бўладиган сайловчилар имзосининг миқдори аввалги 50 минг имзо ўрнига 40 минг қилиб белгиланди.

Шунингдек, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди. Шулар қаторида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиянинг "ваколатли вакили" деган янги институт киритилди, унга имзо варақаларининг тўғри тўлдирилишини текширишда, сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Яна бир муҳим янгилик – қонун ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ фаолиятида ошқораликни кўпроқ таъминлашга қаратилган нормаларнинг киритилишида ўз аксини топди.

Шу асосда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичларида, шунингдек, сайлов кунида овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан ҳам кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Шуниси эътиборга сазоворки, бизнинг сайлов тизимимиз хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги мавқеини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши шарт экани тўғрисидаги норманинг киритилгани бунинг яққол тасдиғидир.

2009 йилги сайловлар жараёнида айни ана шу норманинг татбиқ этилиши парламентнинг қуйи палатасига умумий депутатлар сонининг 22 фоизини ташкил этадиган 33 нафар хотин-қиз депутатни сайлаш имконини берди.

Сенат аъзолари этиб сайланганларнинг 15 фоизи аёллардир, маҳаллий вакиллик органларида фаолият кўрсатаётган аёллар эса бугунги кунда жами депутатлар сонининг 20 фоизидан ортиғини ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайлов тизимимиз мунтазам такомиллашиб бормоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи, айниқса, охириги сайловда биз тўплаган тажриба юртимизда сайлов жараёнларини янада демократлаштириш масалаларини кун тартибига қўймоқда.

**Шу муносабат билан қуйидаги қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.**

**Биринчи.** "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддаси ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади.

Бу авваламбор партиялараро рақобатнинг кучайиши, сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуллари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётгани билан изоҳланади. Шунинг учун **сайлов қонунчилигида сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичини амалга ошириш жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган нормаларни назарда тутиш лозим.**

Бундан ташқари, "Сайловолди ташвиқоти" тушунчасининг ўзига аниқ таъриф бериш, бундай ташвиқотни олиб бориш шартлари, турлари, рухсат этилган шакл ҳамда усуллари қонунчилик йўли билан белгилаб қўйиш зарур.

Яхши биламизки, бундай тажриба турли демократик мамлакатларнинг сайлов қонунчилигида кенг қўлланиб келмоқда.

**Иккинчи.** "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддасига сайловолди ташвиқотини нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги тўғрисидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур норма бир қатор ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигида кенг қўлланади. Унинг қонунчилигимизга киритилиши сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий хайрихоҳлигини аниқлаб олиш, бошқача айтганда, уларнинг ким учун ва қандай сиёсий дастур учун овоз бериш масаласида онгли равишда аниқ бир қарорга келиши учун қўшимча вақт берилишига имкон яратган бўлур эди. Қонунчиликнинг ушбу қисмини такомиллаштириш овоз бериш арафасида турли суиистеъмоллик ҳолатлари ва қонун бузилишларининг олдини олиш имконини ҳам беради, албатта.

**Учинчи.** "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 41-моддаси ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 38-моддасига қўшимчалар киритиш таклиф этилади. Маълумки, жойлардаги участка комиссиялари аксарият ҳолларда қонунчиликда янада аниқ белгилаб қўйишни талаб этадиган турли вазият ва муаммоли ҳолатларга дуч келади. Улардан бири **муддатидан олдин овоз бериш тартиб-қоидаси билан боғлиқ муаммодир.** Шунинг учун ҳам зикр этилган қўшимчаларнинг киритилиши фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари амалга оширилишини, уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдирилишини, участка комиссиялари фаолияти ошқоралигини таъминлаш ва сайлов қонунчилиги бузилиши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўймаслик борасида навбатдаги қадам бўлур эди.

**Тўртинчи.** "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунларга "овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланади" деган нормани киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу норманинг юқорида кўрсатилган қонунларга киритилиши сайловчилар ҳуқуқларининг янада таъсирчан ҳимоя қилиниши, муайян номзодга ғаразли муносабатда бўлиш, бу борада сайлов қонунчилиги бузилишининг олдини олиш имконини беради.

**Бешинчи.** Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича

конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берадиган қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Юқорида баён этилган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқи принципининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашувига хизмат қилиши муқаррар.

## **V. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш**

Азиз дўстлар!

Ўзбекистонимиз босиб ўтган кейинги ўн йиллик давр аҳолимизнинг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир. Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. Булар қаторида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун", "Нуроний" жамғармалари, "Ижод" фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотларини санаб ўтиш мумкин.

**Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.**

Бундай ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Мамлакатимизда Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва бошқа бир қатор ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини хал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам бу соҳа ривожига бўлган катта эътиборни кўрсатади.

Айтиш керакки, фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини тобора ривожлантириш, уларнинг мустақил иш юритиши ва чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган **"Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.**

Сўнги йилларда **"Жамоат фондлари тўғрисида"ги, "Ҳомийлик тўғрисида"ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори** ва бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилинди ва улар фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил вазифасини бажармоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг **"Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма қарори** ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ўз навбатида, Олий Мажлис ҳузурида Жамоат фонди ҳамда таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимлари кирган Парламент комиссиясининг ташкил қилиниши ҳам эътиборга сазовордир.

Мазкур комиссиянинг фаолияти "учинчи сектор" деб ном олган фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очиқ, ошқора, аниқ йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлаш имконини бермоқда. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Фақат кейинги уч йилнинг ўзида фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан 11 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришда ҳеч бир муболағасиз ҳал қилувчи омил эканини, ўйлайманки, кимгадир уқтириб ўтиришга зарурат бўлмаса керак.

Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг очиқ-ошқоралиги ва самарадорли-



гини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда **"Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг** қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни хал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши даркор.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу вазифани хал қилишда **"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига** тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир. Бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Шу билан бирга, **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига** фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган **"Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунни** қабул қилиш фурсати етди. Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур энг аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамият ва давлат қурилиши, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Шулар қаторида соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосини яратиб берадиган қонун ҳужжатлари мажмуасини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш фурсати етди, деб ўйлайман.

## **VI. Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш**

Муҳтарам юртдошлар!

Барчамизга аёнки, мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида, яъни 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда улкан ўзгаришларни амалга оширишда асосий эътиборимиз марказлаштирилган маъмурий-бўйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга қаратилди.

Шу борада қабул қилинган ўта муҳим қонун ва норматив ҳужжатлар қаторида Фуқаролик, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги қонунларни қайд этиш мумкин.

Ислоҳотларимизнинг кейинги босқичида "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Хусусий корхона тўғрисида", "Валютани тартибга солиш тўғрисида", "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонунлар, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда **400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва жорий этилди.** Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

**Шу билан бирга, ҳолисона таҳлил, ислоҳотларимизнинг мантиқи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш,**

**такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.**

Биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли қафолатлар тизимини яратишимиз зарур. Ҳар бир тадбиркор аввало шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, **давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир.** Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига беҳавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгаллик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим. Айтиш мумкинки, шу мақсадда бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий қафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган **"Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида"**ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур.

Шунингдек, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида **"Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"**ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб қўйиш, **қонунда назарда тутилмаган ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлаш зарур.**

Ўйлайманки, бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун **бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди.** Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Ишончим комилки, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий қафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади.

Сизларга яхши маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши **хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ.** Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади.

Юртимизда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллантириш борасида амалга оширилган улкан ишлар ҳеч кимга сир эмас, албатта. Буларнинг барчасини эътироф этган ҳолда, мавжуд қонунларимизнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарур.

Мисол учун, мамлакатимиздаги деярли барча ишлаб чиқариш объектлари акциядорлик компаниялари принципи бўйича ташкил этилган, аммо улар ўз мақомига қай даражада мос ҳолда фаолият юритмоқда ва ўз ҳуқуқларидан қандай фойдаланмоқда, деган саволни ўзимизга бериб кўрайлик. Акциядорлик компаниялари ўзларининг бозор муносабатларига мос мақомига мувофиқ фаолият юритиши учун яна қандай механизмларни ҳаракатга келтириш зарур?

Шу муносабат билан **"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунни** танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим. Ушбу қонундаги акциядорлик жамиятларининг Кузатувчилар кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар, яъни қўлида акцияси кам бўлган акциядорларнинг кафолатларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорларни ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутиш айтиш мумкин бўлур эди.

Ҳозирги вақтда яна бир муҳим масала – **мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес**, биринчи навбатда **хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш** масаласи биз учун долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг бу йилги ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 50 фоиздан ортиб бораётганига қарамадан, афсуски, бу соҳа реал иқтисодиётимизда, авваламбор саноатда етакчи ўринни эгаллай олмаяпти. Ушбу вазифани ҳал этиш учун **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг** янги таҳририни тайёрлаш зарур. Бу қонунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўллари соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ эркинликлар беришни кўзда тутиш лозим. Ушбу секторни кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш, **давлат буюртмаларини олиш**, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар бериш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичма-босқич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, бундай ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби механизмлар ҳисобидан қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам қонунда ўз аксини топиши даркор.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бозор муносабатларининг асоси бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга қарши қонун ҳужжатлари катта

рол ўйнайди. Аммо, амалдаги **"Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"**ги Қонун бугунги кунда эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Шунинг учун эътиборга олган ҳолда, **"Рақобат тўғрисида"**ги янги қонунни ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз зарур. Ушбу қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишни назарда тутиш лозим. Шунингдек, биржа савдоларида ҳам монополияга қарши механизмларни, акцияларни сотиб олиш, кўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича нормаларни ушбу қонунга киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоиздан ортигини нодавлат сектор таъминламоқда. Тан олишимиз керакки, 1991 йилда қабул қилинган **"Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"**ги Қонун, ўтган давр мобайнида 80 тадан ортиқ қонуности ҳужжати унга уйғунлаштирилганига қарамасдан, **бугун қайта кўриб чиқишни ва янги таҳрирда қабул қилишни талаб этмоқда.**

Мамлакатимизнинг стратегик муҳим тармоқлари ва корхоналарида акцияларнинг назорат пакети, таъбир жоиз бўлса, "олтин" акцияларни давлат ихтиёрида сақлаб қолган ҳолда, иқтисодиётнинг энг муҳим етакчи тармоқларига хусусий инвесторларни жалб қилиш ва уларда нодавлат сектор улушини янада кенгайтириш зарур. Бунда бўлажак инвесторларнинг барча тоифаларига хусусийлаштириш жараёнларида тенг шароит яратишни таъминлаш, уларда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, хусусийлаштириш битимларининг очиқлиги ва ошқоралигини кўзда тутиш лозим.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ғоят муҳим аҳамиятга молик қонунларни такомиллаштириш билан бирга, Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. **"Кредит бюрolari фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида"**, **"Гаров реестри тўғрисида"**, **"Риэлторлик фаолияти тўғрисида"**, **"Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"**, **"Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида"**ги ва бошқа янги қонунлар шулар жумласидандир.

Яна бир муҳим масала.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг энг муҳим истикболлари ва устувор йўналишларини белгилаб олар эканмиз, биз ички эҳтиёжнинг ўсишига алоҳида эътибор қаратишимиз керак бўлади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини юмшатишга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурида ана шундай ёндашув асосида иш тутганимиз ўтган йилларда ўзини тўла оқлади. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда Осиёдаги кўплаб мамлакатлар айнан шундай позицияга амал қилиб келмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнинг яқин истикболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш – **истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ**

**тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир.**

Муҳтарам мажлис катнашчилари!

Ҳурматли депутатлар!

Сўзимни яқунлар эканман, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг таклиф этилган Концепцияси Ўзбекистонни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасида биз қарийб 20 йил олдин бошлаган жараёни давом эттириш бўйича Олий Мажлис томонидан узоқ муддатли аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун асос бўлади, деб ишонаман.

Менинг сизларга мурожаатим, даъватим шуки, бугунги кунда амалга оширилаётган ислохот ва янгиланишлар жараёни бутун жамиятимиз, саховатли заминимизда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни ишга солайлик, эл-юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилайлик.

Шу йўлда барчангизга сихат-саломатлик, бахт ва омад, ғайрат-шижоат тилайман.

**САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ –  
ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШДАГИ  
УСТУВОР ВАЗИФАДИР**

Истиқлол йилларида жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий иқтисодий соҳалари, босқичма-босқич ва изчил ривожлантириб борилганлиги натижасида умумэътироф этилган стандартлар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди. Бу борада Конституциямиз ва сайлов қонунчилигимизга асосланган мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди.

Сайловларнинг самарали, тан олинган халқаро норма ва принципларга асосланган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий негизи босқичма-босқич шакллантирилди. Ҳокимият вакиллик органлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминловчи Марказий сайлов комиссияси бошчилигида доимий асосда фаолият кўрсатувчи сайлов комиссияларининг яхлит мустақил тизими ташкил этилди.

Самарали демократик сайлов тизимини шакллантирилганлиги сайловларни кўп партиявийлик асосида, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда халқаро меъёрларга амал қилган ҳолда, очиқлик ва ошкоралик шароитида яширин овоз бериш орқали умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи принципларига тўла мувофиқ тарзда ўтказиш имкониятини бермоқда. Бунга кейинги йилларда мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлар ҳамда уларнинг амалий яқунлари ёрқин далилдир. Сайлов натижалари халқимизнинг ижтимоий онгида чуқур ўзгаришлар рўй берганлиги, уларнинг ижтимоий – сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти даражаси беқиёс ўсганлигини намоён этди.

Шу билан бирга Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, сайловларни ўтказишда илгари тўпланган ижобий тажрибага суяниш, йўл кўйилган нуқсонларни такрорланмаслик, илғор жаҳон тажрибаси ва демократия тамойиллари устиворлигига эришиш олдимизда турган ғоят масъулиятли вазифалардан бири бўлиб қолади. Бинобарин, жамиятимизни ривожлантириш борасида замон олдимизга кўяётган вазифаларни бажаришда шубҳасиз, сайлов тизимини янада такомиллаштириш ўта муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Шу ўринда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси

фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёнининг, давлат ва жамият қурилиши соҳасини, ҳуқуқий тизимни, шу жумладан сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб бериши, шубҳасиздир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз мазкур маърузада давлат ва жамият қурилишини қатор йўналишларида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини белгилаб берар экан, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтганлиги, бу – мамлакатимизда демократиянинг бош талаби ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиши эркин сайловларга берилаётган эътиборнинг ёрқин далилидир.

Чунончи, Давлатимиз раҳбари томонидан мазкур маърузада сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича билдирилган қатор қонунчилик ташаббуслари жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида сайлов жараёнларини тобора либераллаштириш, унинг очиклигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоши-иродасини эркин ва мустақил билдиришлари учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлиши табиий.

Маълумки, сайлов жараёнининг энг муҳим ва масъулиятли босқичларидан бири, бу – сайловолди ташвиқоти саналади. Чунки сайловолди ташвиқоти, аввало, номзодларнинг шахси, билими ва салоҳиятини сайловчилар олдида тўла намоён қилишга, шунингдек, сайловчиларни номзодлар дастурларининг асосий йўналишлари, мазмун-моҳияти ва келгусидаги режалари билан яқиндан таништиришга, айтиш чоғда, сайловчиларни номзод учун овоз беришга ишонтиришга қаратилган муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барча демократик давлатларда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам сайловлар жараёнида сайловолди ташвиқоти босқичига алоҳида эътибор берилади.

Кейинги йилларда ўтказилган сайловлар натижаси, партиялараро рақобатнинг кучайиши сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуллари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётганини кўрсатмоқда. Ушбу шароитда Президентимиз томонидан “сайловолди ташвиқоти” тушунчасининг, бундай ташвиқотни олиб бориш шартлари, турлари, рухсат этилган шакл ҳамда усуллари сайлов қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйиш борасидаги ташаббуслари айтиш муддао бўлди. Чунки, мазкур масалаларнинг қонунчилик билан мустаҳкамланиши, *биринчидан*, ўта муҳим жараён ҳисобланган сайлов олди ташвиқотида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини



оширишга хизмат қилса, *иккинчидан*, сайлов кампанияси жараёнига турли хил ноқобил кучлар аралашувининг олдини олиш, сайловчиларга ўз сиёсий қарашларини, хоҳиш истакларини мустақил билдириш, номзод ва партия ҳақида мустаҳкам фуқаролик позициясига суянган ҳолда тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи моддаларга сайловолди ташвиқотининг нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги тўғрисидаги нормани киритиш борасидаги Президентимизнинг ташаббуслари овоз бериш жараёнида сайловчининг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалашини таъминловчи муҳим кафолат бўлиб ҳисобланади. Бу каби норма бир қатор ривожланган демократик давлатлар, хусусан, Франция, Канада ва бошқа кўплаб давлатлар қонунчилиги ва амалиётида самарали қўлланиб келинмоқда. Мазкур мазмундаги норма нафақат сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий хайрихоҳлигини аниқлаб олиш учун қўшимча вақт берилишига имкон яратади, балки сайлов кунидан олдин сайловолди ташвиқоти субъектлари томонидан турли суиистеъмоллик ҳолатлари ва қонун бузилишларининг олдини олишга хизмат қилади.

Президентимиз томонидан билдирилган муҳим ташаббуслардан яна бири, бу – сайлов тўғрисидаги айрим қонунларга, хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунларга овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига жойлаштиришни тақиқлайдиган нормани киритиш билан боғлиқ таклиф ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, ушбу амалиёт миллий сайлов қонунчилигимизда, хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида мавжуд бўлиб, амалиётда самарали қўлланиб келинмоқда. Мазкур норманинг давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлов тўғрисидаги қонунларга ҳам киритиш, авваламбор сайловчилар ҳуқуқларининг янада таъсирчан ҳимоя қилиниши, муайян номзодга ғаразли муносабатда бўлиш, бу борада сайлов қонунчилиги бузилишининг олдини олиш имконини беради. Қолаверса, сайлов тўғрисидаги қонунчилик моддаларини ўзаро боғланиши, комплекслиги ҳамда уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

Амалиёт кўрсатганидек, жойлардаги участка комиссиялари аксарият ҳолларда муддатидан илгари овоз беришни ўтказиш билан боғлиқ турли вазият ва муаммоли ҳолатларга дуч келади. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 41-моддаси ҳамда “Халқ

депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 38-моддасига қўшимчалар киритиш таклиф этилади. Бу ҳар бир фуқаронинг сайлов ҳуқуқлари амалга оширилишини, унинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини, участка комиссиялари фаолияти ошқоралигини таъминлаш ва сайлов қонунчилиги бузилиши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўймаслик борасида навбатдаги қадам бўлади.

Муайян давлатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи, кўп жиҳатдан, давлат ҳокимияти органларига ўтказиладиган сайловларнинг қай даражада очиқ ва ошқора амалга оширилишига ҳам боғлиқдир. Шу боис миллий сайлов қонунчилигимизда сайловларни ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий принципларидан бири сифатида ошқоралик тамойили мустаҳкамланган.

Таъкидлаш жоизки, сайлов жараёнларининг ошқоралигини таъминлашда кузатувчилар институти алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, сайлов жараёнининг қанчалик ҳаққонийлиги кузатувчиларнинг бевосита иштирокида ёрқин намоён бўлади ҳамда шунга қараб баҳоланади. Хорижий ва маҳаллий кузатувчиларнинг сайлов жараёнида иштирок этиши сайловнинг умумийлик ва тенглик, овоз беришнинг яширинлиги, адолатлилиқ, эркинлик, ошқоралиқ ва масъуллиқ каби демократик тамойилларга қатъий риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунларда, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи (халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан биттадан кузатувчи), оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

2008 йилда Ўзбекистон сайлов тизимига замон талаблари ва халқаро андозаларга мос бўлган, аввало, сайлов қонунларини янада либераллаштириш ва демократлаштириш мақсадларига қаратилган ўзгартириш ва янги қоидаларнинг киритилгани муҳим аҳамият касб этади. Бундай асосий ўзгартиришлардан бири, бу – бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ниҳоятда долзарб эканлигини назарда тутган ҳолда, қуйи палатамиздаги 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилганлигидир.

2009 йилги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловида биринчи маротаба Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича экоҳаракат Конференциясида мамлакатимизнинг барча

минтақаларидан сайланган делегатлар орасидан яширин овоз бериш орқали муқобиллик асосида 15 та депутат сайланди ва ҳозирги кунда Қонунчилик палатасида ўз депутатлик гуруҳини тузган ҳолда самарали фаолият олиб бормоқда. Сайлов қонунчилигига илгари киритилган бундай принципаал ўзгартишдан келиб чиқиб, Президентимиз “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берадиган қўшимча киритиш ташаббусини илгари сурдилар. Бу, албатта, сайлов жараёнларининг барча босқичларида очқлик ва ошқоралиқни таъминлашга, Экоҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича жараённинг сайлов қонунчилигига тўла риоя этган ҳолда ўтишини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги эзгу мақсадларимизни руёбга чиқаришнинг ҳал қилувчи муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

## ФУҚАРОЛАР САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТЛАРИ

Демократик давлатчиликнинг ривожланиши давлат ҳокимиятини амалга оширишда сайлов институти ролининг яққол ошганлиги билан тавсифланади. Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи, кўп жihatдан, унда амал қилаётган сайлов тизимининг очиклиги ва демократиклигига боғлиқдир.

Чунки сайловга кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, фуқаролик жамияти ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокининг асосий шакли сифатида баҳо берилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, уларни изчил такомиллаштириб боришга демократик ислоҳотларнинг муҳим бўғини сифатида қараб келинмоқда. Юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизимини яратиш ва ривожлантириш тамомила янгича давлат қурилишини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий қурилиш соҳасини демократик янгилаш, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципларини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлиги юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг муҳим бўғинига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича таклиф этилган қатор қонунчилик ташаббуслари сайлов жараёнларини янада либераллаштириш, уларнинг очиклигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ва мустақил билдиришлари учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Юртбошимизнинг фуқароларнинг эркин сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишларини кафолатлашга, сайлов қонунчилигини янада либераллаштиришга хизмат қилувчи юқоридаги қонунчилик ташаббуслари жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этиш борасидаги ислоҳотларимизнинг янги босқичини бошлаб берди.

Президентимиз томонидан мазкур Концепцияда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасида илгари сурилган ташаббусларидан бири

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби

сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз бериши тартиб-қоидаси билан боғлиқ масаладир. Таъкидлаш жоизки, сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқини кафолатлаш уларнинг сайлов ҳуқуқлари амалга оширилиши ҳамда ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришларида алоҳида аҳамият касб этади.

Муддатидан олдин овоз бериш деганда сайлов куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган ва сайлов участкасига кела олмайдиган сайловчининг муддатидан олдинроқ овоз бериш имкониятини таъминлаш тушунилади. Сайлов куни айрим фуқаролар узрли сабабларга кўра, масалан, меҳнат таътили, хизмат сафари ёки ўқув фаолиятининг тартиби, давлат ва жамоат мажбуриятларини бажариш, ўз саломатлигининг ҳолати ва бошқа ҳолатлар туфайли ўз уйларида бўла олмасликлари мумкин. Шундай ҳолларда сайлов қонунчилиги мазкур фуқароларнинг ҳам сайловда ўз овозлари билан иштирок этиш, яъни сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини яратади. Бошқача айтганда, сайлов куни ўз сайлов участкаси ҳудудида бўлиш имкониятига эга бўлмаган шахслар сайлов кунидан олдин, демакки, муддатидан олдин тегишли сайлов участкасига бориб, ўзлари маъқул деб топган номзодга ўз овозларини бериб, шу йўл орқали сайловда иштирок этишлари мумкин.

Миллий сайлов қонунчилигимизда сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз беришларини кафолатловчи қатор нормалар мавжуд. Хусусан, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасида “сайлов куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар олдинроқ овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар”, деб мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу қоида “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 31-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 41-моддаси, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 38-моддасида ҳам ўз ифодасини топган.

Шу билан бирга, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчининг муддатидан олдин овоз бериши жараёнининг бошланиш вақти, унинг аниқ тартиб-қоидаси юқоридаги қонун нормаларида батафсил ўз аксини топмаганлиги сабабли, мазкур масалалар муайян даражада Марказий сайлов комиссиясининг низом ва йўриқномалари билан ҳам тартибга солиниб келинмоқда.

Албатта, қонунчиликда муддатидан олдин овоз бериш тартиб-қоидаларининг аниқ белгилаб қўйилмаганлиги аксарият ҳолларда сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказишда муҳим бўлган ҳисобланган участка сайлов комиссиялари фаолиятида муайян қийинчиликлар ва муаммоли ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Айниқса, бу муддатидан олдин овоз беришнинг вақти

ва шундай истакни билдирган сайловчи томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар каби масалалар билан бевосита боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, сайловчиларнинг сайлов ҳуқуқларини кафолатлашнинг бир усули сифатида муддатидан олдин овоз бериш институти қатор хорижий давлатларнинг сайлов қонунчилигида мавжуд. Айрим мамлакатларда, хусусан, Австралия, АҚШ, Германия, Канада, Финляндия, Швеция, Швейцария, Португалия каби давлатларда сайловларда фуқаролар иштирок этиш даражасини ошириш ҳамда сайлов куни сайлов участкаларида сайловчиларнинг тўпланиб қолишининг олдини олиш мақсадида муддатидан олдин овоз бериш икки хил усулда: шахсан ўзи сайлов участкасига келиб ёки почта орқали овоз бериш шаклида амалга оширилади. Муддатидан олдин овоз беришнинг тартиби ва муддати эса ҳар бир мамлакат сайлов қонунчилигининг хусусиятларидан келиб чиқиб турлича белгиланган. Масалан, Германияда сайлов кунидан уч хафта олдин сайловчига сайлов ҳақида хабарнома ҳамда муддатидан олдин овоз бериш мумкинлиги ҳақидаги ҳужжат юборилади. Лекин сайловчиларнинг неча фоизи почта орқали овоз бериши мумкинлиги, яъни муайян чегара сайлов қонунчилигида белгилаб қўйилмаган. Канадада эса Австралия, Швейцария каби давлатлардан фарқли ўлароқ, сайловчининг муддатидан олдин овоз бериши учун у сайловчилар рўйхатига киритилган бўлиши ёки рўйхатдан ўтган бўлиши талаб этилмайди. Яъни сайловчи ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан бориб овоз бериши мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз бериши тартиб-қоидаларининг қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилиши лозимлиги тўғрисидаги қонунчилик ташаббуслари ҳар бир фуқаронинг сайловда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш, участка сайлов комиссиялари фаолиятига бу борада ойдинлик киритиш ва сайлов қонунчилиги бузилишига йўл қўймаслик каби масалаларни ҳал этишга хизмат қилади.

**САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ҲАРАКАТИДАН ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ САЙЛАШДА КУЗАТУВЧИЛАР  
ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ**

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш жараёнида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан аҳолининг турмуш даражасини ошириш устувор вазифа сифатида эътироф этилмоқда. Ушбу вазифа эса, авваламбор, аҳолининг муносиб атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи билан кафолатланиши лозим. Бинобарин, табиат инсон ва ҳаёт ўртасидаги зарурий ҳамда ажралмас бўғиндир. Шу маънода, давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқида қайд этганидек, “экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади”.

Дарҳақиқат, инсон табиатнинг онгли мавжудоти сифатида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиши, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиши зарур. Зеро, ўтмишда йўл қўйилган хатолар – табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилиш ва уни бўйсундиришга уриниш бугунги кунда инсониятни экологик инқироз ёқасига келтириб қўйди. Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ҳамда ижтимоий хулқ-атвор андозаларини ўзгартириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Бугунги экологик хавфсизлигимизга таъсир кўрсатаётган таҳдидлар бизнинг зиммамизга муҳим экологик-ҳуқуқий хусусиятдаги вазифаларни ҳал этишдек юксак ва айна дамда долзарб масъулиятни юклайди.

Мустақиллик йилларида юртимизда экологик муаммоларни бартараф этиш ва салбий оқибатларининг олдини олиш борасида муайян тажриба орттирилди. Аммо соҳадаги вазифаларнинг миқёси ва кўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини яхлит ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш-ни талаб қилаётганди. Шу маънода айтганда, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг тузилганлиги бугунги даврнинг долзарб талаби ҳисобланади.

---

<sup>3</sup> Тошкент давлат юридик институти доценти, юридик фанлар номзоди

Экоҳаракат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида экологик йўналтирилган ёндашув Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишида энг муҳим омил бўлиб ҳисобланишига ишонган, атроф-муҳит ва инсон саломатлиги ҳақидаги ғояларни кўллаб-қувватловчи ҳамда уларни амалга ошириш истагида бўлган мамлакатимиз фуқароларини бирлаштиришга йўналтирилгандир.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ниҳоятда муҳим ва долзарб аҳамият касб этиб бораётганидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Экологик ҳаракатига Олий Мажлис қуйи палатасидан 15 та депутатлик ўрни берилди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Сайлов ҳақидаги қонунчиликка киритилган бир қанча ўзгаришлар қаторида бўлажак сайловларда фуқаролар иштироки кўламини кенгайтириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Шунинг ҳисобидан, аввало, атроф-муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги тамойил жорий этилди. Яъни мамлакат парламентидаги депутатлик ўринлари сонига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатлар учун 15 та ўрин ажратилди. Бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг узвий таркибий қисми бўлиб, сайлов қонунчилиги ҳамда сайлов амалиётининг жаҳон тажрибаси учун ўзига хос янгилик бўлди.

Юртбошимиз Ислом Каримов “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” мавзуидаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, “Шу муносабат билан бугунги кунда экологик йўналишдаги 100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотни бирлаштирган Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Мазкур ҳаракатдан сайланган депутатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантиришга, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти идоралари, шунингдек, турли ижтимоий ва бошқа тузилмаларнинг бу соҳада шу пайтга қадар қабул қилинган ҳужжатларни сўзсиз бажариш бўйича масъулиятини ошириш юзасидан тизимли ишларни ташкил қилишга кўмаклашишлари лозим”.

Ушбу амалиёт экологик қонунчиликни узвий такомиллаштириб бориш ва уларнинг ижроси устидан доимий назоратни амалга ошириш имкониятини беради. Бу эса экологик қонунчиликдаги бўшлиқларни ўз вақтида тўлдириш ҳамда шу тариқа экологик муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, барчамизга маълумки, парламентнинг олий давлат ҳокимият вакиллик органи сифатида давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни алоҳида



этиборга молик. Шундай экан, унда айнан атроф-муҳит ва экология масалалари билан шуғулланувчи депутатларнинг иштироки ушбу соҳани парламент фаолиятининг ажралмас ҳамда узвий йўналишига айлантиради. Мазкур амалиёт, шунингдек, экологик қонунчилик ижросини мунтазам назорат қилиб боришни, зарур ҳолларда эса, унга тезкорлик билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш имкониятини таъминлайди. Қисқача айтганда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экология масалалари билан шуғулланувчи, бу борада алоҳида, махсус билим ва тажрибага, қизиқишга эга бўлган шахслар – Экологик ҳаракат аъзоларига депутат сифатида Олий Мажлис фаолиятида иштирок этиш имкониятининг берилиши мамлакатимиз раҳбарияти томонидан экология масаласига қаратилаётган юксак этибор бўлиб, экологик муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзuidaги маърузасида “Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш”га оид бир қатор жуда муҳим ва айна вақтда амалдаги қонунчилигимизга киритилиши лозим бўлган - таклифларни илгари сурди.

Чунончи, Юртбошимиз томонидан Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берадиган қўшимча киритиш ташаббуси илгари сурилди. Ушбу қонунчилик ташаббусини амалга ошириш мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқи принципининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашувига хизмат қилиши муқаррардир.

Шу маънода, қонунчиликка бир қатор ўзгартишлар киритиш, хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси 4-бандини “Экоҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмалари конференцияларида Марказий сайлов комиссияси вакиллари иштирок этади. Экоҳаракатнинг Конференциясида кузатувчилар, шу жумладан, хорижий кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиши мумкин”, деган жумлалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса, ўз навбатида, Қонунчилик палатаси сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайловларнинг очик ва ошкора амалга оширилишини янада таъминлашга

**Вестник Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан**

хизмат қилади ҳамда сайлов қонунчилигининг халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқ ҳолда такомиллашувига замин яратади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Ф А Р М О Н И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ Ф.Ш. АКБАРОВАНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН АВВАЛ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси **Фарида Шарахимовна Акбарованин**г ваколати муддатидан аввал тугатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2011 йил 7 июнь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ Б.ГАНИЕВНИНГ  
ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб 135-Шайхонтохур сайлов округидан сайланган Баходир Мухторович Ганиевнинг депутатлик ваколати бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан берган аризасига биноан муддатида илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2010 йил 3 май.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ Д.ФАЗИЛОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Дилмурод Тухмакович Фазиловнинг бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Халқ депутатлари Сирдарё вилояти ва Боёвут тумани кенгашлари депутати ваколатлари тугатилганлигини инобатга олган ҳолда унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Сирдарё вилояти ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раисининг ўринбосари**

**Қ.ТОҒАЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2010 йил 20 июль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИНИ  
ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг сайлови бўйича Сирдарё вилояти давлат ҳокимияти вакилик органлари депутатларининг қўшма мажлиси 2010 йил 24 июль куни соат 11-00да вилоят ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказилиши белгилансин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раисининг ўринбосари**

**Қ.ТОҒАЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2010 йил 20 июль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**Х.ЧИНИБЕКОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ РЎЙХАТГА  
ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 58, 61-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Сирдарё вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Сенат аъзоси сайлови бўйича 2010 йил 24 июль куни ўтказилган қўшма мажлиси баённомасига асосан Хуснитдин Кучкарович Чинибеков Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Сирдарё вилояти ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раисининг ўринбосари**

**Қ.ТОҒАЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2010 йил 29 июль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 14-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Регламенти иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин.

2. Мазкур Регламент «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси – Вестник Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан»да чоп этилсин ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг веб саҳифасига жойлаштирилсин.

3. Марказий сайлов комиссиясининг 2006 йил 6 июндаги 275-сон қарори билан тасдиқланган Регламенти ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2010 йил 13 октябрь.*



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ**  
**РЕГЛАМЕНТИ**  
(Янги тахрири)

Ушбу Регламент Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) ташкил этилиши, мақсад ва вазифалари, мажлисларини ўтказиш, қарорлар, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширишга қаратилган фаолият кўрсатиш тартиби ва қоидаларини белгилайди.

Комиссиянинг ваколоти ҳамда вазифалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлари билан белгиланади.

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1.1** Комиссия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан камида ўн беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) томонидан сайланади.

**1.2** Комиссия Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек

Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилади ҳамда ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади.

**1.3** Комиссия Ўзбекистон Республикасининг марказий муассасаси – давлат органи ҳисобланади ва ўз ваколатига оид масалаларни қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлилик принциплари асосида кўриб чиқиб, мустақил равишда ҳал этади.

**1.4** Комиссия юридик шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрига, белгиланган тартибда қабул қилинган рамзига эга.

Комиссиянинг расмий қисқартирилган номи – Марказий сайлов комиссияси.

**1.5** Комиссиянинг расмий нашри – ўзбек ва рус тилларида чоп этиладиган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси» – «Вестник Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан», ўзбек, рус ва инглиз тилларида амал қиладиган веб-сайти – [www.elections.uz](http://www.elections.uz) ҳисобланади.

**1.6** Марказий сайлов комиссиясининг доимий жойлашган манзили – Тошкент шаҳри Мустақиллик майдони, 6-уй. Комиссия мажлислари, қоида тариқасида, унинг доимий жойлашган жойида ўтказилади. Комиссия сайёр мажлислар ҳам ўтказиши мумкин.

## **II. КОМИССИЯ ВАКОЛАТЛАРИ**

**2.1** Комиссия ўз ваколати доирасидаги ҳар қандай масалани кўриб чиқишга ҳақли. Қуйидаги асосий масалалар фақат Комиссия мажлисларида ҳал этилади:

- Комиссия Раиси, Раис ўринбосари ва котибини сайлаш ва уларни лавозимидан озод қилиш;

- Комиссия аъзосини доимий асосда ишлаши мумкинлиги тўғрисидаги масала;

- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар юзасидан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш бўйича тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида амалдаги қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш ёки имзо варақаларидаги имзолар сохталаштирилган тақдирда номзодни рўйхатга олиш учун ҳужжатлар қабул қилишни рад этиш;

- тақдим этилган ҳужжатлар асосида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишга ижозат бериш ёки Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш бўйича тақдим этилган имзо варақаларидаги имзолар сохталаштирилган тақдирда сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлик мақомидан маҳрум этиш;
- референдум ўтказиш ташаббуси билан чиққан фуқаролар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш ёки рўйхатга олишни рад этиш;
- референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни ҳақиқий эмас деб топиш;
- референдум куни ўз турар жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган фуқароларга бериладиган ҳисобдан чиқиш гувоҳномаси шакли ва топшириш тартибини белгилаш;
- сайлов ва референдумни ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатлар сметасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда бу маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилаш;
- ушбу тадбирларни ўтказиш учун ихтиёрий равишда берилган маблағларни фойдаланиш учун қабул қилиб олиш;
- сайлов ва референдум округларини ҳамда округ сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи округ комиссияларини тузиш, уларга ном ва тартиб рақами бериш, чегараларини, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сонини кўрсатган ҳолда округлар рўйхатини эълон қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, шунингдек Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш бўйича тузилган округ сайлов комиссияларининг аъзолари ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
- сайловни ва референдумни ўтказиш учун тузилган округ комиссияларининг аъзоларини ваколатларидан маҳрум этиш;
- сиёсий партияларнинг кузатувчилари ва ваколатли вакиллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчиларига мўлжалланган мандат намунасини белгилаш;
- чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчиларига сайлов ва референдумда иштирок этиш учун мандатлар бериш;
- Ўзбекистон экологик ҳаракати Конференциясининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида иштирок этиши ҳақидаги қарори ва бошқа ҳужжатларини қабул қилиш;
- Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмалари конференцияларида Комиссия вакилларининг иштирокини таъминлаш;
- Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Конференциясида иштирок этиши учун Комиссия вакилларини белгилаш;
- сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш, сайлов ва референдумни ташкил

этишга оид масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш, регламент, йўриқнома, низом, тартиб ва тавсияномалар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда улар бўйича тушунтиришлар бериш;

- Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида тузилган сайлов участкалари ва референдум участкаларини қайси округларга бириктириш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари сайловига доир сайлов бюллетенларининг, референдумда овоз бериш бюллетенининг, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг намуна ва шаклларини, овоз бериш қутилариининг ҳамда сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар муҳрларининг намуналарини, ҳужжатларни сақлаш ва идоравий архивларга топшириш тартибини белгилаш;

- сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунлар жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлигига доир материалларни прокуратура органларига юбориш;

- сайлов ва референдумнинг якуини чиқариш ҳамда уларнинг натижаларини эълон қилиш;

- референдумни ўтмаган деб топиш;

- овоз бериш якунларини ҳақиқий эмас деб топиш;

- сайловни ҳақиқий эмас деб топиш;

- такрорий сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда такрорий овоз бериш, Қонунчилик палатаси депутатларининг ёки Сенат аъзоларининг такрорий сайлови ва бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказилишини ташкил этиш;

- Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- Қонунчилик палатасига сайланган депутатларни ва Сенат аъзоларини рўйхатга олиш;

- сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш мақсадида белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Адлия ва Молия вазирликларига юбориш;

- сиёсий партиянинг ҳисоботига унинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини ва уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ҳисобот йилида партиянинг ҳисоб-китоб варағига келиб тушган ҳамда сарфланган давлат маблағлари тўғрисида хулоса бериш;

- сайловдан кейин Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг биринчи мажлисини чақириш;

- қуйи сайлов ва референдум ўтказувчи комиссияларининг қонунларга зид бўлган қарорларини бекор қилиш;

- иш режасини тасдиқлаш;

- регламент, низом ва йўриқномаларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- қонунларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**2.2** Комиссия мажлисида раислик қилувчи:

- мажлисни олиб боради ва уни ўтказиш тартибини белгилайди;

- кун тартибидаги масалаларнинг муҳокама қилинишини ташкил қилади;

- Комиссия аъзоларининг барча таклифларини уларни тушиш тартибига кўра овозга қўяди;

- Комиссия аъзолари ва таклиф этилган шахсларнинг мазкур Регламент қоидаларига риоя этишларини таъминлайди;

- раислик қилувчи ҳар бир масала муҳокамаси юзасидан қарор қабул қилишда охирги бўлиб овоз беради;

- овоз бериш натижаларини эълон қилади.

**2.3** Комиссия мажлислари давлат тилида олиб борилади. Заруратга қараб бошқа тилларга таржима қилиниши мумкин. Мажлисида баённома юритилади.

Баённомада мажлиснинг кун тартиби, унда қатнашган Комиссия аъзолари ва манфаатдор ташкилотлар вакилларининг фамилияси, исми-шарифи, кўриб чиқилган ҳар бир масала юзасидан овоз бериш натижалари, қабул қилинган қарорлар кўрсатилади.

Мажлис баённомасига қабул қилинган қарор, йўриқнома, хулоса ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек Комиссия аъзоларининг у ёки бу масала юзасидан ёзма шаклдаги алоҳида фикрлари илова қилинади.

Баённома раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади.

**2.4** Комиссиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови, Сенатнинг шакллантиришга доир ҳамда референдум натижалари тўғрисидаги баённомалари мажлисида иштирок этган барча Комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

**2.5** Комиссиянинг биринчи мажлисини, шунингдек Комиссия Раиси, Раис ўринбосари ҳамда котиби ваколатини зиммасидан соқит қилган тақдирда, мажлисни Комиссия аъзолари орасидан энг ёши улуғи очади ва раис сайлангунга қадар олиб боради.

### **III. КОМИССИЯ РАИСИ, РАИС ЎРИНБОСАРИ ВА КОТИБИ**

**3.1** Комиссия Раиси Комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномаси бўйича Комиссия мажлисида очик овоз бериш йўли билан сайланади.

**3.2** Раис ўринбосари ва котиби Комиссия аъзолари орасидан Комиссия мажлисида очик овоз бериш орқали сайланадилар.

### 3.3 Комиссия Раиси:

- Комиссия фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;
- Комиссия мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади, Комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;
- Комиссия мажлисларида иштирок этиш учун давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг, ташкилотларнинг вакиллари ва бошқа мансабдор шахсларни таклиф этади;
- давлат органлари, халқаро ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан муносабатларда Комиссия номидан иш кўради;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов, шунингдек референдум якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига ахборот беради;
- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинган шахсга белгиланган намунадаги рўйхатга олинганлик гувоҳномасини топширади;
- сайланган шахсга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома топширади;
- тегишинча Қонунчилик палатасининг ва Сенатнинг биринчи мажлисини очади ҳамда Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси сайлангунга қадар унда раислик қилади;
- Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосига тегишинча гувоҳнома ва кўкрак нишонини топширади;
- Қонунчилик палатаси депутатини чақириб олиш бўйича овоз бериш якунлари тўғрисида Қонунчилик палатасига маълум қилади;
- Комиссиянинг истиқболдаги фаолият йўналишларини белгилайди;
- давлат бюджетидан Комиссия фаолияти учун ажратилган маблағларни тақсимлайди ва мақсадли ишлатилишини назорат қилади;
- Комиссия ҳузуридаги Илмий-методик кенгаш ишига раҳбарлик қилади;
- сайлов қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан Қонунчилик палатасига таклифлар киритади;
- «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 4-моддасининг 3-қисмида кўрсатилган ҳолатлар аниқланган тақдирда Қонунчилик палатасига ёхуд Комиссия аъзосини тавсия этган органга маълум қилади;
- Комиссия қарорлари ва бошқа ҳужжатларни имзолайди, уларнинг ижросининг назорат қилинишини ташкил этади;
- фуқароларни бевосита қабул қилади ва уларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқилишини ташкил этади;
- ўз ваколатига доир масалалар юзасидан фармойишлар қабул қилади;
- Комиссия Котибияти фаолияти устидан назоратни амалга оширади;
- Комиссия Котибиятининг ходимларини ишга қабул қилиш тўғрисида меҳнат шартномаси тузади ва бекор қилади;

- касаба уюшмаси кўмитаси билан келишилган ҳолда Комиссия ходимларининг ички меҳнат тартиби қоидаларини тасдиқлайди;
- қонунлар ва мазкур Регламентда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

#### **3.4 Раис ўринбосари:**

- Комиссия Раиси ўз ваколатларини бажаришининг имкони бўлмаган тақдирда, шунингдек Раис бўлмаганида унинг вазифаларини бажаради;
- Комиссия аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;
- сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш ишини ташкил этади;
- Комиссия, жойларда сайлов ва референдумни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тузилган комиссиялари аъзоларининг малакасини ошириш ишини ташкил этади;
- Комиссия аъзолари ва Котибият ходимларининг меҳнат ва ижро интизомига риоя қилишлари устидан назоратни амалга оширади;
- ўз ваколатлари доирасида топшириқлар беради;
- оммавий ахборот воситалари билан алоқалар ўрнатади, уларда Комиссия фаолиятини ҳар томонлама ёритилишини ташкиллаштиради;
- сайлов қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи фаолиятига раҳбарлик қилади;
- фуқароларни қабул қилади;
- Комиссия Раисининг топшириқларини бажаради;
- Қонунлар, мазкур Регламентда ҳамда вазифалар тақсимоотида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

#### **3.5 Комиссия котиби:**

- Котибият ишига раҳбарлик қилади, унинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;
- Комиссия мажлисларини ташкиллаштиради, муҳокама этиладиган масалалар бўйича қарор ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрланишини таъминлайди;
- мажлис қарорлари ва бошқа материаллар Комиссия аъзолари, қуйи турувчи сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар, манфаатдор давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига етказилишини таъминлайди ҳамда Комиссия мажлислари ҳақидаги хабар ва маълумотларни оммавий ахборот воситаларида чоп этилишини ташкиллаштиради;
- Комиссиянинг жорий фаолиятини амалга оширишга мўлжалланган тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, Комиссия муҳокамасига киритади ва бажарилишини таъминлайди;
- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади;

- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг рўйхатлари ва улар ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинишини ташкил этади;

- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг номзодликдан воз кечганлиги ҳақидаги аризаларини қабул қилиб олади;

- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакилларига, референдум ўтказиш бўйича фуқаролар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакилига рўйхатдан ўтганлик ҳақида гувоҳномалар топширади;

- Комиссия аъзоларини жалб этган ҳолда Комиссия қарорлари ижросини таъминлайди;

- Комиссия аъзолари билан ҳамкорликда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

- бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчилари Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги, мамлакатимизда ўтказилган сайлов ва референдум натижалари бўйича билдирган фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, умумлаштириб боради;

- хорижий давлатларнинг сайлов қонунчилиги, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тажрибасини ўрганиб, таклифлар киритиб боради;

- Комиссия Раиси ва унинг ўринбосари топшириқларини бажаради;

- фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқишни ташкил этади;

- жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда уларни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг идоравий архивларга топширилишини (йўқ қилинишини) таъминлайди;

- Комиссия, жойлардаги сайлов ва референдум ўтказувчи комиссия аъзоларининг малакасини ошириш ишлари бажарилишини таъминлайди;

- қонунлар ва мазкур Регламентда ҳамда вазифалар тақсимоотида белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**3.6** Раис ўринбосари, Комиссия котиби ўз ваколатларини бажаришларининг имкони бўлмаган тақдирда, шунингдек Раис ўринбосари, котиб бўлмаганида уларнинг вазифалари Комиссия Раисининг таклифига мувофиқ Комиссия қарори билан Комиссия аъзоларидан бири зиммасига юкланиши мумкин.

## **IV. КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ**

**4.1** Комиссия аъзоси Комиссиянинг қарорига биноан унда доимий асосда ишлаши мумкин. Комиссия аъзоси қуйи сайлов комиссиясининг ёки сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Доимий асосда ишловчи Комиссия аъзолари илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

**4.2** Комиссия аъзоси:



- Комиссия мажлиси материалларини тайёрлаш ва муҳокама қилишда қатнашади;

- Комиссия фаолиятига доир материаллар ва ҳужжатлар билан танишиб чиқишга ҳақли;

- Комиссия мажлисида сўзга чиқиш, таклифлар киритиш, ўз таклифларини овозга қўйишни талаб қилиш, мажлис иштирокчиларига саволлар бериш ва жавоблар олишга ҳақли;

- Комиссия мажлисларида муҳокама қилинган масалалар юзасидан овоз беради ва қонунларда назарда тутилган тартибда унинг қарорларини имзолайди;

- Котибият бўлимлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

- Комиссия Раиси ва унинг ўринбосари топшириқларини бажаради;

- Котибият билан ҳамкорликда Комиссия қарорлари ижросини таъминлайди;

- жойлардаги сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссия аъзолари малакасини ошириш ишларида иштирок этади;

- фуқароларни қабул қилади, уларнинг муурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиб, таклифлар киритади;

- бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлар кузатувчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги, ўтказилган сайлов натижалари бўйича билдирилган фикр-мулоҳазаларни Котибият билан ҳамкорликда ўрганади, умумлаштириб, таклифлар киритиб боради;

- замонавий ахборот тизими ва технология ютуқларини ўрганиб боради ҳамда уларни сайлов амалиётига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

- хорижий давлатларнинг сайлов қонунчилиги, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тажрибасини Котибият билан биргаликда ўрганиб, умумлаштириб боради;

- қонунлар ва мазкур Регламентда ҳамда вазифалар тақсимотида белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**4.3** Қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб, Қонунчилик палатаси депутатлигига ва Сенат аъзолигига номзод этиб, ишончли вакил этиб рўйхатга олинган Комиссиянинг аъзоси Комиссия таркибидан чиқиб кетган деб ҳисобланади.

Комиссия аъзосининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бевосита ёки уни аъзоликка тавсия этган органнинг тақдимномаси бўйича тугатилиши мумкин:

- у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда;

- у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда;

- унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

- у ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармай келган тақдирда.

**4.4** Сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки Ўзбекистон Республикасининг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунларини бошқача тарзда бузилишига

йўл қўйган Комиссия аъзолари қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

## **V. КОМИССИЯ МАЖЛИСИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

**5.1** Комиссия ишининг ташкилий шакли унинг мажлислари ҳисобланиб, улар заруратга қараб ўтказилади. Комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда мажлис ваколатли ҳисобланади.

**5.2** Комиссия мажлислари Раиснинг ташаббуси билан ёки Комиссия аъзолари умумий таркибининг учдан бир қисми талабига биноан чақирилади.

**5.3** Комиссия мажлиси кун тартибига киритилиши мўлжалланган масалаларни тайёрлаш учун олимлар, экспертлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда Комиссия аъзолари, Котибият масъул ходимлари, Илмий-методик кенгаш аъзоларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилиши мумкин.

**5.4** Комиссия котиби Комиссия аъзоларини мажлис жойи, вақти ва санаси ҳақида хабардор қилади ва мажлисдан камида уч кун аввал уларга зарур материаллар ва ҳужжат лойиҳалари етказилишини таъминлайди.

**5.5** Комиссия мажлислари очик ва ошкора ўтказилади. Комиссия мажлисларида номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати, давлат бошқаруви органларининг, оммавий ахборот воситаларининг аккредитациядан ўтган вакиллари ҳамда хорижий ва маҳаллий кузатувчилар иштирок этишга ҳақли.

Комиссия мажлисларига қуйи сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг вакиллари, олимлар, эксперт ва мутахассислар таклиф қилиниши, шунингдек уларда Комиссия ҳузуридаги Илмий-методик кенгаш аъзолари ва Котибият масъул ходимлари иштирок этишлари мумкин.

## **VI. КОМИССИЯ МАЖЛИСЛАРИДА ОВОЗ БЕРИШ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

**6.1** Комиссиянинг барча қарорлари очик овоз бериш орқали, Комиссия аъзолари умумий миқдорининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиниб қолган тақдирда Комиссия Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

**6.2** Комиссия аъзоси мажлис кун тартибидаги масала ёки қарор лойиҳаси юзасидан ўзининг нуқтаи-назарини ёзма равишда баён этиш ҳуқуқига эга, унинг алоҳида фикри заруратга қараб Комиссиянинг барча аъзолари эътиборига етказилади ва муҳокама қилиниб, муносабат билдирилиши мумкин.

Бошқа ҳолларда ушбу фикр мажлисда ҳозир бўлган Комиссия аъзолари эътиборига етказилиб баённомага илова қилиб қўйилади.

**6.3** Комиссия қарорлари раислик қилувчи томонидан имзоланади ва матбуотда эълон қилинади.

Комиссия қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят бериш мумкин.

**6.4** Комиссия ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар округ ва участка сайлов комиссиялари ҳамда референдум ўтказувчи комиссиялар, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлар, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

## **VII. КОМИССИЯ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ САЙЛОВ ВА РЕФЕРЕНДУМДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИНИ НАЗОРАТ ЭТИШ**

**7.1** Комиссия Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссияларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш учун тузиладиган референдум ўтказувчи комиссияларнинг тизимига бошчилик қилади, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ва Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги қонунларнинг ижросини назорат қилади, уларнинг бир хил қўлланилишини таъминлайди.

**7.2** Сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунларга кўра, Комиссия Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови ва референдум ўтказиш бўйича округ ва участка сайлов комиссиялари қарорлари устидан келиб тушган ариза ва шикоятларни белгиланган тартибда кўриб чиқиб, мазмунан ҳал этади.

Ариза ва шикоятлар Комиссия Раисининг кўрсатмасига биноан Комиссия аъзоси ёки Котибият масъул ходими томонидан кўриб чиқилади, зарур бўлганда Комиссия муҳокамасига киритилади.

Сайловни ёки референдумни ўтказишга тайёргарлик кўриш вақтида келиб тушган ариза ва шикоятлар бўйича қарор ўн кунлик муддатда, сайлов кунидан олдин ёки овоз бериш куни берилган аризалар зудлик билан кўриб чиқилиши шарт.

Мазмун-моҳияти жиҳатидан айнан ўхшаш шикоят бир вақтнинг ўзида судда кўрилаётган тақдирда, муайян суд қарори қабул қилинганга қадар Комиссияда унинг кўрилиши тўхтатиб турилади.

**7.3** Комиссия қуйи сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар, давлат органлари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан, оммавий ахборот воситалари муассасаларининг мансабдор шахсларидан сайлов ва референдум ҳақидаги қонунларни татбиқ этиш билан боғлиқ маълумот ва материалларни талаб қилишга ҳақли бўлиб, улар ушбу масалаларни кўриб чиқишлари ва уч кун ичида жавоб беришлари шарт.

## **VIII. САЙЛОВ ВА РЕФЕРЕНДУМ ҲАҚИДАГИ ҚОНУНЛАРНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШДА КОМИССИЯНИНГ ИШ УСЛУБИ**

**8.1** Комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари таклифлари, статистик маълумотларни инобатга олган ҳолда сайлов округларининг чегараларини белгилайди, сайлов округларини тузади ва уларнинг рўйхатларини тартиб рақами билан, сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда қонунда белгиланган муддатда матбуотда эълон қилади.

**8.2** Комиссия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларга, сиёсий партияларга сайловда иштирок этишлари учун тенг шароитларни таъминлайди, уларнинг сайловолди ташвиқотини ўтказишда қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартибини белгилайди.

**8.3** Комиссия сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати, фуқаролар ташаббускор гуруҳлари ваколатли вакилидан «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонунларда назарда тутилган ҳужжатларни қабул қилади ва уларнинг тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ишчи гуруҳлари тузади, белгиланган муддатда кўриб чиқиб, қонунларга мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

## **IX. КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ ТАЪМИНЛАШ**

**9.1** Комиссия фаолиятининг ташкилий-услубий, ахборот-таҳлилий, ҳуқуқий, молиявий, ижтимоий-маиший, моддий-техник ва бошқа таъминоти Котибият томонидан амалга оширилади.

Котибиятнинг тузилиши, штатлари ва иш тартибини Комиссия Раиси тасдиқлайди.

**9.2** Котибият ходимларининг ҳуқуқ ва вазифалари, уларни тақдирлаш ва интизомий жавобгарлиги масаласи Комиссия Қарори билан тасдиқланадиган Комиссия Котибияти тўғрисидаги Низом ҳамда Ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

**9.3** Комиссия қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз фаолиятини амалга ошириш учун Илмий-методик кенгаш ва ишчи гуруҳлари тузиши мумкин. Улар ҳақидаги Низомлар Комиссия қарори билан тасдиқланади.

## **X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

**10.1** Комиссия Регламенти, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар Комиссия мажлисида кўриб чиқилади.

**10.2** Комиссия Регламенти қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ Н.ЖУМАЕВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб 130-Бодомзор сайлов округидан сайланган Нодир Хосиятович Жумаевнинг депутатлик ваколоти бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

**Вестник Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан**

*Тошкент шаҳри,  
2010 йил 13 октябрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ В.КОЛЬЦОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Виктор Николаевич Кольцовнинг Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Навоий вилояти ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2010 йил 23 ноябрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ Т.РАХМОНОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тўра Хўжаёрович Рахмонов вафот этганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари рўйхатидан чиқарилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қашқадарё вилояти ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2010 йил 23 ноябрь.*



**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ Ў.БАРНОЕВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўктам Исоевич Барноевнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Самарқанд вилояти ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2011 йил 10 март.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ А.ТЎХТАЕВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Абдуқаҳҳор Ҳасанович Тўхтаевнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2011 йил 10 март.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ О.ЮНУСОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб 88-Янгийўл сайлов округидан сайланган Обиджон Қодирович Юнусовнинг депутатлик ваколоти аризасига биноан муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Тошкент вилоят ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2011 йил 10 март.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ А.РАМБЕРГЕНОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Абат Кенесбаевич Рамбергеновнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2011 йил 13 июнь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ Ф.АКБАРОВАНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 июндаги ПФ-4319 сон Фармониغا асосан Фарида Шарахимовна Акбарованинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2011 йил 13 июнь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ П.ИМАТОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Полатбай Базарбаевич Иматовнинг Халқ депутатлари Кегейли туман Кенгаши депутати ваколоти тугатилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколоти муддатида илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2011 йил 12 июль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ А.УТЕМУРАТОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб 6-Чимбой сайлов округидан сайланган Аскарбай Минажович Утемуратовнинг депутатлик ваколати аризасига биноан муддатидан илгари тугатилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2011 йил 22 июль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ И.БОТИРОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ильхомитдин Джаббарович Ботировнинг халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Наманган вилояти ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2011 йил 22 август.*



**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ С.ҲАМРОЕВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Собир Бозорович Ҳамроевнинг халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколати муддатида илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Бухоро вилояти ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2011 йил 22 август.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ  
САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИНИНГ  
ЎРИНБОСАРИ К.ТОГАЕВ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Кучкар Тогаев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан 2011 йилнинг 27 июлидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари лавозимидан озод этилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2011 йил 22 август.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ И.САМИЕВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб 67-Оқолтин сайлов округидан сайланган Иномжон Воҳобжонович Самиевнинг депутатлик ваколати бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан муддатидан илгари тугатилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сирдарё вилояти ҳокимлигига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2011 йил 27 сентябрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ Н.СИДИҚОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб 13-Асака сайлов округидан сайланган Низомидин Ғуломович Сидиқовнинг депутатлик ваколати аризасига биноан муддатидан илгари тугатилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Андижон вилояти ҳокимлигига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2011 йил 27 сентябрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ Э.БАЙНИЯЗОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Эркин Бозорович Байниязовнинг халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгаши депутати ваколоти тугатилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколоти муддатида илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2011 йил 24 ноябрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ Х.НЕМАТОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Хамиджон Холиқович Нематовнинг халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Фарғона вилояти ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2011 йил 24 ноябрь.*

## ДЕМОКРАТИЯ – ДОИМИЙ РИВОЖЛАНАДИГАН ЖАРАЁНДИР...

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш Юртбошимиз томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси белгиланган устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Миллий ва хорижий ОАВда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан демократик ислохотларни чуқурлаштириш бўйича илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари мазмун-моҳияти тўғрисида чет эл олимлари ва экспертларнинг фикрлари ифода этилмоқда. Қуйида уларнинг айримлари келтирилган.

### **Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Жозе Мануэл Баррозо**

– Европа Иттифоқи раҳбарияти Президент Ислом Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Олий Мажлиси палаталарининг кўшма мажлисида баён этилган мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини катта эътибор ва қизиқиш билан қабул қилди.

### **БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДХ бўйича минтақавий бюроси директори Кори Удовички**

– Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган мазкур Концепцияда Ўзбекистонда ривожланишнинг барча асосий йўналишлари, жамият эҳтиёжларига ўз вақтида ва муносиб жавоб қайтаришга оид муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, мамлакатда эришилган бундай муваффақиятлар – ривожланган замонавий демократик давлатлар қаторидан жой олишга доир юксак мақсадга эришишга қаратилган йўлнинг бошланишидир. Бунда мамлакатда инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланади. Буларнинг барчаси Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўла мосдир. Ўзбекистонда ислохотларнинг босқичма-босқич ва собитқадамлик билан амалга оширилаётганлиги эришилаётган муваффақиятларда муҳим омил бўлмоқда.

БМТ Тараққиёт дастури Ўзбекистонда бир қатор лойиҳаларни, жумладан, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилинган жорий йилда мазкур соҳада ҳам лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этмоқда. Ўзбекистон Президенти томонидан ишлаб чиқилган ва изчил, тадрижий ислохотларни чуқурлаштиришга асосланган ривожланишга оид мазкур стратегик дастур барқарор тараққиётга интилаётган бошқа кўплаб мамлакатлар учун ҳам катта долзарб аҳамиятга эга.

### **“Wider EU” компанияси директори Жан Франкуиз Ривалайн (Бельгия):**

– Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон парламенти палаталарининг кўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзuidaги маърузаси ҳамда Ўзбекистон Конституцияси қабул

килинганинг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаси менда катта таассурот қолдирди. Шу ўринда айтишим жоизки, ушбу иккала маъруза бир-бирини ўзаро тўлдирди ва Ўзбекистоннинг чинакам демократик давлат барпо этиш йўлидаги изчил ҳаракатларидан яққол далолатдир. Ўзбекистон раҳбарияти асосий тамойиллари эркинлик ва демократия бўлган жамиятни ислоҳ қилиш жараёнига амалий ёндашади. Мамалакат Президентининг айрим ваколатлари парламентга берилиши Ўзбекистонда кечаётган демократик ислохотларни ортга қайтариб бўлмаслигини кўрсатиб турибди.

**Миллий тадқиқотлар маркази профессори М.Мурси (Миср):**

– Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси Ўзбекистонда демократияни ривожлантириш тарихида ўзига хос туб бурилиш ясайди. Зеро, Ўзбекистон раҳбарининг мамлакат қонун ҳужжатларига муайян ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасидаги таклифлари ўз вақтида айtilган бўлиб, бугунги кун талабига тўлиқ жавоб беради.

**Нью-Йорк давлат университети профессори Парвиз Морвидж (АҚШ):**

– Демократиянинг халқ суверенитетига асосланган ва барқарорликни кафолатловчи ўзбек модели демократлаштиришнинг тўғри йўлини излаётган бошқа мамлакатлар томонидан қабул қилиниши мумкинлигини англаш қувонарлидир. Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари дунёдаги бошқа халқларга фойдали бўлиши мумкин кўрсатмалардан иборат.

**Ҳимолой ва Маркази Осиё тадқиқотлар маркази бош котиби К.Варику (Хитой):**

– Бош вазир номзодининг парламентда энг кўп ўрин эгаллаган партия томонидан илгари сурилиши, шунингдек Бош вазир номзоди парламент томонидан тасдиқланиши имконияти ва зарур бўлганда унга нисбатан ишончсизлик вотумини билдиришига доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг таклифига алоҳида эътибор қаратди. Президент Ислом Каримов анчадан буён парламент ва сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлаш тарафдори бўлиб келмоқда. Президент ташаббуси рўёбга чиқса, мамлакатда сиёсий партияларнинг мавқеи, уларнинг ўз сайловчилари олдидаги масъулияти янада ортади. Мазкур янги тартиб-қоидалар давлат бошқарув тизими, шунингдек маърузада тилга олинган ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда яна бир муҳим қадам бўлади.

**Дехли университети профессори Н.Руми (Ҳиндистон):**

– Президент Ислом Каримов ҳозирда улкан натижаларга эришган Ўзбекистон сайлов тизимини такомиллаштиришни давом эттиришни таклиф этди. Ўтган йиллар давомида мамлакатда сайловлар жараёнида эркинлик ва тенгликнинг чинакам кафилига айланган Марказий сайлов комиссиясининг



роли анча мустаҳкамланди. Ўзбекистон қонунчилик миқёсида депутатликка кўрсатилган хотин-қиз номзодлар учун 30 фоизлик квота ажратилган, шунингдек, Экологик ҳаракат депутатлари учун парламентда маълум миқдорда жой ажратилган санокли мамлакатлардан биридир, - дея алоҳида таъкидлади профессор.

Эришилган барча ютуқларга қарамасдан, Президент Ислом Каримов сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш, хусусан, сайлов кампанияси давомида барча номзодлар учун тенг имкониятлар берилишини таъминлаш тарафдоридир.

**Чех-ўзбек савдо-саноат палатаси президенти Милан Гаруштяк (Чехия):**

– Шунинг билан таъкидламоқчиманки, ўзбек давлати раҳбарининг барча ташаббуслари, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг XXI асрда янада ривожланишига янги ва кучли туртки бўлиб хизмат қилади. Ишончим комилки, ўзбек жамияти, давлати яқин йилларда демократик жамиятни янада ривожлантириш, иқтисодийнинг ўсиб бориши ва мамлакат аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш борасида янги улкан зафарларга эришади.

**Вайнштефан-Тройсдорф университети профессори Х.Штрёбел (Германия):**

– Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни ижобий баҳолайман. Президент Ислом Каримов раҳномолигида ўтган қарийб йигирма йил мобайнида фақат давлатнинг ички ресурслари ҳисобига амалга оширилган ислохотларнинг навбатдаги босқичи жамиятни демократлаштириш ва иқтисодийни ривожлантиришни янада кучайтиришга қаратилгандир.

**Оқсарой университети профессори С.Имер (Туркия):**

– Йигирма йил муқаддам ўзбек халқи демократик тараққиёт йўлини танлади. Демократия, бу – зарур қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш ва мазкур қонунларга оғишмай риоя этилиши учун фуқароларнинг ҳуқуқий тарбиясини кучайтириш билан боғлиқ доимий жараёндир. Шу маънода, Президент Ислом Каримовнинг маърузаси Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини чуқурлаштиришнинг истиқболдаги йўллари аниқ белгилаб берилган муҳим ҳужжат, дейиш мумкин.

**Бинду Лохани, Осиё тараққиёт банкининг вице-президенти:**

– Ўзбекистон иқтисодийнинг истиқлол йилларидаги жадал ва барқарор ривожни халқингиз танлаган тараққиётнинг “ўзбек модели” ҳаётий ва самарали эканлигини кўрсатди.

Шунинг билан алоҳида қайд этишни истардимки, Концепция аниқ мақсадга йўналтирилганлиги, унда вазифаларнинг тўғри белгилангани билан алоҳида аҳамиятга эга. Биз Ўзбекистонда барча соҳаларда, хусусан, демократик ислохотларни янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирларни кенг қўллаб-қувватлаймиз.

**Мақсуд-ул Хасан Нуриу, Исломобод сиёсий тадқиқотлар институти президенти вазифасини бажарувчи (Покистон):**

– Истиқлол йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий ишлар амалга оширилди. Оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга мос келадиган мустақкам қонунчилик базаси яратилди. Оммавий ахборот воситаларини эркин ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Буларнинг барчаси юртингизда масс-медиа фаолиятини янада тараққий эттиришга хизмат қилади.

**Вергис Метиус, Яқин Шарқ мамлакатлари тадқиқотлари институти директори ўринбосари (Сингапур):**

– Демократиянинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустақкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдир. Ўзбекистонда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб мазкур йўналишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ана шундай ёндашув туфайли бу борадаги ишларнинг кўлами ва самарадорлиги тобора ошаётганини кўплаб мисолларда кўришимиз мумкин. Мамлакатларимиз таълим йўналишида ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарайди. Ушбу соҳадаги ҳамкорлигимиз махсули бўлмиш Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида бўлиб, тахсил олаётган ёшларнинг шижоатини, билимга чанқоқлигини кўриб, беҳад қувондим.

**Дмитрий Видрин, сиёсатшунос (Украина):**

– Ўзбекистонда, айниқса, таълим соҳасига кўрсатилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётганидан хабардорман. Ўзбекистонга аввалги ташрифим давомида бир қатор вилоятларда, чекка қишлоқларда ҳам бўлиб, у ерларда қад ростлаган замонавий ва мухташам таълим даргоҳларини кўриб, хайратимни яшира олмаган эдим. Боиси бу каби замонавий таълим масканларини ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам учратмагандим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг кадрлар тайёрлаш, ёш авлоднинг комил инсонлар бўлиб етишиши йўлида кўрсатаётган ташаббуслари ҳар қанча тахсинга лойиқ.

Демократиянинг муҳим институти бўлган сайлов – халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сиёсий ҳаётда, жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этишининг асосий воситасидир. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги пухта ишлангани ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беришини алоҳида таъкидлашни истардим. Сайлов тизимини шакллантиришда миллий кадриятларга ҳам алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовор.

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2010 йил 3 май куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўрисида»ги Қонуни 4-моддасига мувофиқ 135-Шайхонтохур сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган Баходир Мухторович Ганиевнинг бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан депутатлик ваколати муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисида бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

\*\*\*

2010 йил 20 июль куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Регламентига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш тўғрисидаги ва Марказий сайлов комиссиясининг 2010 йилнинг биринчи ярмида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи ва 2010 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

\*\*\*

2010 йил 29 июль куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58, 61-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ бўшаб қолган ўринга Сирдарё вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг 2010 йил 24 июлда бўлиб ўтган кўшма мажлисида сайланган Х.К.Чиннибековни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисида Комиссия ваколатига доир бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

\*\*\*

2010 йил 13 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Регламентига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ва бошқа масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

\*\*\*

2010 йил 23 ноябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан Виктор Николаевич Кольцовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатиш ҳамда Тўра Хўжаёрович Рахмоновни вафот этганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари рўйхатидан чиқариш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Мажлисида бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

\*\*\*

2011 йил 7 январь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ва Комиссиянинг 2011 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси, шунингдек Комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

\*\*\*

2011 йил 10 март куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари хусусида тўхталди.

Мажлисида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш доирасида Марказий сайлов комиссияси аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган қонунчилик ташаббусларининг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга қаратилган амалий семинарлар ўтказгани таъкидланди. Уларда вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари аъзолари, шунингдек, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Мажлисида Президентимизнинг сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга доир қонунчилик ташаббусларининг асосий қоидаларини

кенг жамоатчиликка тушунтириш, бу борада белгиланган тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳамда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Марказий сайлов комиссияси аъзоларига сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ишларининг бориши ҳақида маълумот берилди. Бу ишлар парламент ва сиёсий партиялар вакиллари, сайлов ҳуқуқи соҳаси мутахассислари иштирокида миллий ҳамда халқаро тажрибани чуқур ўрганиш орқали амалдаги қонунчилик ҳужжатларини танқидий таҳлил этиш ва қайта кўриб чиқиш асосида амалга оширилаётгани таъкидланди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунининг 4-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг айрим депутатлари ва Сенатининг айрим аъзоларининг ваколатларини объектив сабабларга кўра муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссияси фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

\*\*\*

2011 йил 7 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ўтказилган “Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш – давр талаби” мавзуидаги семинарда давлатимиз раҳбари томонидан бу борада илгари сурилган сайловга оид миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш борасидаги таклиф ва ғоялар, белгилаб берилган долзарб вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг олим ва мутахассислари, ёшлар ташкилотларининг фаоллари, талаба-ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Мухаммаджонова истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимиз ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларида ислохотларнинг изчил амалга оширилиши самарасида умумэтироф этилган халқаро стандартлар ва юксак демократик талабларга тўла мос келадиган сайлов тизими шакллантирилгани,

фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини амалга ошириши учун зарур барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилганини таъкидладилар.

Давлатимиз мустақиллигининг йигирма йиллик даврида юртимизда демократик сайлов тизими шакллантирилганлиги, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси бошчилигида ҳокимият вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминловчи сайлов комиссияларининг яхлит мустақил тизими ташкил топганлиги сайловларни кўппартиявийлик асосида, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда халқаро меъёрларга амал қилган ҳолда, очиқлик, ошкоралик шароитида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали ўтказиш имконини бермоқда.

Семинарда Марказий сайлов комиссияси аъзолари томонидан иштирокчиларни қизиқтирган кўплаб саволларга батафсил жавоблар қайтарилди.

\*\*\*

2011 йил 1 июнь куни Марказий сайлов комиссиясида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифалардан бири сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси, Тошкент вилояти ва шаҳар сайлов комиссияларининг аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Конституциявий суд, Ўзбекистон Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Қонунчилик платаси Спикерининг ўринбосари Улуғбек Мухаммадиев ва бошқаларнинг чиқишларида таъкидланганидек, кейинги йилларда бўлиб ўтган сайловлар натижалари, партиялараро рақобатнинг кучайиши сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуллари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётганини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан Президентимиз томонидан “сайловолди ташвиқоти” тушунчасининг, бундай ташвиқотни олиб бориш шартлари, турлари, рухсат этилган шакл ҳамда усуллари сайлов қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйиш борасидаги ташаббуслари ўта муҳим жараён ҳисобланган сайловолди ташвиқотида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини ошириш, сайлов кампанияси жараёнига турли хил ноқобил кучлар аралашувининг олдини олиш, сайловчиларга ўз сиёсий қарашларини мустақил билдириш, номзод ва партия ҳақида мустаҳкам фуқаролик позициясига суянган ҳолда тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи моддаларга сайловолди ташвиқотининг нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги тўғрисидаги

нормани киритиш овоз бериш жараёнида сайловчининг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалашини таъминловчи муҳим кафолат ҳисобланади.

Давра суҳбати қатнашчиларининг фикрича, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференциясида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берадиган қўшимча киритилиши, шубҳасиз, Экоҳаракатдан депутатлар сайлаш жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашга хизмат қилади.

Давра суҳбатида таъкидлаб ўтилганидек, Концепцияда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича белгиланган қатор таклифлар жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида сайлов жараёнларини тобора либераллаштириш, унинг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ва мустақил билдиришлари учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштиришга муҳим омил бўлади. Давра суҳбати қизгин муҳокамалар ва савол-жавоблар руҳида бўлиб ўтди.

\*\*\*

2011 йил 13 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Марказий сайлов комиссияси раиси сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ишларининг бориши ҳақида маълумот берди. Бу ишлар парламент ва сиёсий партиялар вакиллари, сайлов ҳуқуқи соҳаси мутахассислари иштирокида миллий ҳамда хорижий тажрибани чуқур ўрганиш орқали амалдаги қонунчилик ҳужжатларини танқидий таҳлил этиш ва қайта кўриб чиқиш асосида амалга оширилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг айрим аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссияси фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

\*\*\*

2011 йил 12 июль куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Комиссиянинг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, Бухорода «Ўзбекистонда сайлов тизимини ва сайлов қонунчилигини янада демократлаштиришнинг

устувор йўналишлари» мавзусидаги халқаро конференцияни ташкил қилиш ва ўтказишга тайёргарлик кўриш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Пўлатбай Базарбаевич Иматовнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

\*\*\*

2011 йил 22 июль куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Аскарбай Минажович Утемуратовнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисида Комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

\*\*\*

2011 йил 22 август куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида ташкилий масала кўриб чиқилди. Қўчқор Тоғаев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари лавозимидан озод қилинди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ильхомитдин Джаббарович Ботиров ва Собир Бозорович Хамроевнинг тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутати ваколатлари тугатилганлиги муносабати билан уларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

\*\*\*

2011 йил 27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.



Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Иномжон Вохобжонович Самиевнинг ваколатини бошқа ҳақ тўланадиган ишга ўтганлиги муносабати билан муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Низомиддин Ғуломович Сиддиқовнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор ҳам қабул қилинди.

\*\*\*

2011 йил 24 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Эркин Бозорович Байниязов ва Хамиджон Халикович Нематовнинг тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутати ваколати муддатидан илгари тугатилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Мажлисида Комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

### Марказий сайлов комиссиясидаги учрашувлар

2010 йил 14 июль куни Марказий сайлов комиссиясида ЕХХТ/ДИИХБ директорининг биринчи ўринбосари Даглас Уэйк бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида ЕХХТ/ДИИХБнинг ЕХХТга аъзо давлатларда демократик жараёнларни ривожлантириш, эркин сайловларни ўтказишга кўмаклашиш ва инсон ҳуқуқларига риоя этиш бўйича тавсиялар бериш борасидаги хизматларига юқори баҳо берилди. Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси билан ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Мувофиқлаштирувчиси ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилганлиги таъкидланди. Меҳмонлар Марказий сайлов комиссиясининг фаолияти, тузилиши ва таркиби, сайлов тизими асослари, сайлов қонунчилигимизнинг ўзига хос тамойиллари ҳамда унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан батафсил таништирилди. Шунингдек, делегация аъзолари 2009 йилдаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар ҳамда сайлов яқунларига оид ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича ҳам маълумот олдилар.

Делегация раҳбари Даглас Уэйк Марказий сайлов комиссияси аъзоларига ва Котибиат масъул ходимларига самимий қабул ва батафсил ахборот, шунингдек 2009 йилдаги сайловларни баҳолаш бўйича ЕХХТ/ДИИХБ миссиясига ўз фаолиятини тўлақонли амалга оширишда яқиндан амалий ёрдам кўрсатилганлиги учун миннатдорлик билдирди.

\*\*\*

2010 йилнинг 29 сентябрь куни Марказий сайлов комиссиясида Ульсан шаҳри Шарқий ҳудуд Сайлов комиссияси котиби (маъмурий бўлим бошлиғи) Ли Квон бошчилигидаги Корея Республикасининг Ульсан метрополия шаҳри сайлов комиссиялари аъзоларидан иборат делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

“Ташрифимиздан мақсад, – деб таъкидлади делегация раҳбари Ли Квон, – Марказий сайлов комиссияси фаолияти тажрибаси билан яқиндан танишиш, Ўзбекистон сайлов тизими ҳамда қонунчилигини ўрганишдан иборатдир”.

Суҳбат давомида икки мамлакат сайлов комиссиялари ўртасидаги ҳамкорликнинг кенгайиб бораётганлиги аълоҳида таъкидланиб, меҳмонлар Комиссия фаолияти, тузилиши ва таркиби, Ўзбекистон сайлов тизими тамойиллари, сайлов комиссияларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари билан таништирилди. Делегация аъзолари миллий сайлов қонунчилигимизнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, шунингдек 2009 йил декабрда давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайлов натижалари ҳақида хабардор қилинди.

\*\*\*

2011 йил 25 апрель куни Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов «Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги илмий-амалий конференция иштирокчиси, Франциянинг Гавр университети халқаро алоқалар факультети профессори Пьер Шабални қабул қилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси меҳмонга Марказий сайлов комиссияси тузилиши, фаолияти ва сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларга тўхталиб ўтди, шунингдек уни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берди. Сухбат давомида Франция ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги, унинг давлат қурилиши ва бошқарувидаги аҳамияти ҳақида фикр алмашилди.

Учрашувда Марказий сайлов комиссияси аъзоси Комилжон Адилов ва Матбуот хизмати раҳбари Низомиддин Нурматов иштирок этди.

### **Сайловларнинг халқаро кузатувида иштирок этиш**

2010 йил 25 февраль – 1 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари Ахматилла Дўсбоев, Юлдаш Қораев ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Насим Алимов МДХ кузатувчилар миссияси таркибида, Марказий сайлов комиссияси аъзоси Ўткир Холов ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Қаҳҳор Ибрагимов ШХТ кузатувчилар миссияси таркибида Тожикистон Республикасида бўлиб ўтган парламент сайловида иштирок этдилар.

\*\*\*

2010 йил 25-28 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби Ойбек Соатов ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Собир Жабборов МДХ кузатувчилар миссияси таркибида Қирғиз Республикасининг янги тахрирдаги Конституциясини қабул қилиш масаласи бўйича бўлиб ўтган референдумда иштирок этдилар.

\*\*\*

2010 йил 8-11 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Жанабай Садиков ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати Равшан Асқаров МДХ кузатувчилар миссияси таркибида Қирғиз Республикаси парламенти – Жоқорғу Кенгашига бўлиб ўтган сайловда иштирок этдилар.

\*\*\*

2010 йил 3-6 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Содиқжон Қосимов ва Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Ерназар Джуманазаров

Туркменистон Республикаси вилоят, туман ва шаҳар халқ ҳокимияти вакиллик органлари депутатлигига бўлиб ўтган сайловда МДХ кузатувчилар миссияси таркибида иштирок этдилар.

\*\*\*

2010 йил 17-21 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби Ойбек Соатов ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари Абдуғаппор Қирғизбаев МДХ кузатувчилар миссияси таркибида Беларусь Республикаси Президенти сайловида иштирок этдилар.

\*\*\*

2011 йил 31 март - 4 апрель кунлари Марказий сайлов комиссияси аъзолари Қўчқор Тоғаев ва Мадаминбек Аҳмедовлар МДХ ва ШХТ кузатувчилари миссиялари таркибида навбатдан ташқари Қозоғистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этди.

\*\*\*

2011 йил 18-22 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Комилжон Адиллов ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Джахонгир Бабаев МДХ кузатувчилар миссияси таркибида Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати депутатлари сайловида иштирок этди.

\*\*\*

2011 йил 28-31 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби Ойбек Соатов МДХ кузатувчилар миссияси таркибида ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Жанабай Садиқов ШХТ кузатувчилар миссияси таркибида Қирғизистон Республикаси Президенти сайловни кузатишда иштирок этди.

\*\*\*

2011 йил 2-6 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси Мирза-Улуғбек Абдусаломов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси аъзолари халқаро кузатувчилар сифатида Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Давлат думасига сайловини кузатишда иштирок этди.

### **Халқаро конференциялар ва бошқа анжуманларда иштирок этиш**

2011 йил 23-28 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси Мирза-Улуғбек Абдусаломов Ҳиндистон Республикаси сайлов комиссиясининг ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда қатнашди.

\*\*\*

Тошкентда 22-23 апрель кунлари Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ўрганиш, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш бўйича чуқур ва изчил ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш борасида Ўзбекистон тажрибасини ҳамда мамлакатимизни ривожлантиришнинг янги босқичига оид вазифаларни кенг кўламда амалга ошириш юксак самараларини ўрганишга бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда дунёнинг 46 мамлакатидан 200 нафардан ортиқ хорижлик олим, эксперт ва жамоат арбоблари, кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда унинг таркибига кирувчи тузилмалар, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, мамлакатимиз олимлари, мутахассислари, парламентимиз, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, фуқаролик институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари иштирок этди.

Ялпи ва секцияларга бўлинган мажлисларда иштирокчилар замонавий демократик ривожланишнинг муҳим масалалари – давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, бозор ислохотлари ва иқтисодий эркинлаштириш масалаларини муҳокама қилди. Бунда Ўзбекистонда мазкур устувор соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” маърузасида уларни чуқурлаштириш бўйича баён қилинган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, бошқа демократик мамлакатларнинг бу йўналишлардаги тажрибаси ҳам кўриб чиқилди.

Конференция хорижий иштирокчиларининг фикрича, Ўзбекистонда самарали сайлов тизими ва тегишли қонунчилик шакллантирилган бўлиб, улар мамлакатни изчил ривожлантириш шарт-шароитлари ҳамда халқаро демократик стандартларга тўла мосдир. Сайловлар умумий, тенг ҳамда тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи орқали яширин овоз бериш принципларига риоя қилинган ҳолда, кўппартиявийлик асосида очиқлик ва ошкоралик руҳида ўтказилмоқда. Уларда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва иштирок этиш имкониятлари анча кенгайтирилган – парламентда 15 депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилди.

Анжуманда сайлов тизимини такомиллаштириш бўйича Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари сайлов жараёнини янада либераллаштириш, уларнинг янада кўпроқ очиқ ва ошкоралигини таъминлаш, сайловолди ташвиқоти ўтказиш механизми ҳамда

сайлов комиссиялари фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Амалий мулоқот руҳида ўтган конференция якунлари бўйича иштирокчилар кенг кўламли демократик ислохотларни изчиллик, босқичма-босқичлик ва тадрижий ривожланиш тамойиллари асосида амалга оширишда Ўзбекистон тажрибасини чуқур ўрганиш ҳамда ундан кенг фойдаланишга доир тавсияларни қабул қилдилар.

\*\*\*

Ҳуқуқ орқали демократия учун Европа комиссияси (Венеция комиссияси)нинг таклифига биноан Марказий сайлов комиссияси аъзоси Комилжон Адилов 2011 йил 11-14 май кунлари “Ўзгараётган дунёдаги сайловлар” мавзусида Вена шаҳрида (Австрия) бўлиб ўтган Сайлов жараёнларини бошқарувчи идораларнинг 8-Европа конференцияси ишида иштирок этди.

Анжуман Европа Кенгаши Венеция комиссияси ва Австрия Федерал ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил қилинган. Конференция ишида Европа, Осиё, Американинг 30 дан зиёд мамлакатларидан, шунингдек БМТ, ЕХҲТ, Европа Кенгаши каби халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашди. Анжуман доирасида Озарбайжон, Бразилия, Босния ва Герцоговина, Буюк Британия, Грузия, Қирғизистон, Латвия, Молдова, Словакия ва Финляндия сайлов идораларининг вакиллари 2010-2011 йилларда ўз мамлакатларида бўлиб ўтган сайлов натижалари ҳақида ахборот бериб, шунингдек, анжуман қатнашчиларининг эътиборини сайловда замонавий технологиялардан фойдаланиш масалаларига жалб этишди.

Бундан ташқари, тадбир давомида сайловлар шаффофлигини таъминлаш мақсадида янги технологиялар ва электрон овоз бериш масалалари муҳокама қилинди. Анжуманда янги технологиялар сайлов органларига сайлов жараёнларини бошқариш, ҳар бир фойдаланувчи шахс учун қулай бўлган сайловчиларнинг электрон рўйхатларини тузиш борасида кўмаклашмоғи лозим деб таъкидланди. Шу ўринда ОАВнинг таълим ва ахборот бериш роли таъкидланиб, уларнинг яширин овоз бериш принципи, сайлов натижаларининг прогнозларини сайлов кунига қадар тарқатмаслик ва сайлов жараёнининг бошқа тамойилларига риоя қилиш билан боғлиқ масъулиятларини кучайтириш ҳақида фикр юритилди.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Жанабай Садиков шу йилнинг 12-16 сентябрь кунлари Ашхобод шаҳрида БРИДЖ (Демократия, ҳокимият ва сайловлар учун захира шакллантириш) тренингида иштирок этди. Тренинг Туркманистондаги БМТ лойиҳа дастури, Братиславадаги БМТ лойиҳа дастурининг минтақавий маркази, шунингдек БМТ лойиҳа дастури демократик бошқарув бўйича гуруҳи ривожланиш сиёсатини ишлаб чиқиш бюроси томонидан ташкил қилинди. Тадбирда БМТ лойиҳа дастурининг Молдова, Қирғизистон, Туркманистон ва Грузиядаги вакиллари, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон ва

Туркменистоннинг марказий ва минтақавий сайлов комиссияларининг аъзолари ва вакиллари ҳам иштирок этди.

Беш кунлик БРИДЖ ўқув курси мавзуси доирасида сайлов жараёнининг кўйидаги жиҳатлари ўрганилди: а) сайлов тизимларини ишлаб чиқиш асосий принциплари, б) муқобил, кўп номзодли/мажоритар тизимнинг аҳамияти, в) пропорционал вакиллик тизими, г) партия рўйхати бўйича пропорционал вакиллик тизими, д) аралаш ва аралаш-пропорционал тизимлар, е) овоз бериш ва сайлов якунларини чиқариш жараёнлари.

Шунингдек, Европарламентга сайлов, Европа ва МДХ давлатлари, Австралия, Буюк Британия, Бразилия, Судан, Ливан, Лесото, Янги Зеландия, ва Япониянинг сайлов тизимлари, давлатлар сайлов қонунчилигида (хотин-қизлар, озчиликни ташкил қилувчи миллатлар, асосий миллат, кичик партиялар учун) мавжуд квоталар ҳақида фикр алмашилди.

Тренинг якунида барча иштирокчиларга сертификатлар ва БРИДЖ лойиҳаси доирасида чоп этилган “Сайлов тизимлари” номли китоб топширилди.

\*\*\*

2011 йил 26-30 сентябрь кунлари Варшава шаҳрида ЕХХТнинг Инсонийлик мезонлари бўйича кенгаши бўлиб ўтди. ОАВ ва ахборот эркинлиги, уюшмалар мажлислари эркинлиги, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги, қийноқларга йўл қўймаслик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва терроризма қарши кураш, қонунчилик шаффофлиги, суд ҳокимияти мустақиллиги, одил суд муҳокамасига ҳуқуқ, демократик сайловлар ва сайловларни кузатиш масалалари бўйича ялпи мажлислар ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси аъзоси Комилжон Адиллов демократик сайловлар ва сайловларни кузатиш масалалари бўйича мажлис ишида иштирок этди. Мажлис қатнашчилари сайловларнинг фуқаролар сиёсий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ЕХХТ га аъзо давлатларнинг қонунчилигига демократик сайловлар ва уларни кузатиш стандартларини имплементация қилиш аҳамиятини таъкидлаб ўтдилар.

\*\*\*

27-28 октябрь кунлари Бухоро шаҳрида “Ўзбекистонда сайлов тизимини ва сайлов қонунчилигини янада демократлаштиришнинг устувор йўналишлари” мавзусига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси томонидан ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси ва АҚШнинг миллий демократик институтининг мамлакатимиздаги филиали билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Конференцияда Исроил, Италия, Корея Республикаси, АҚШ, Украина, Япониядан ташриф буюрган экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий ва вилоят сайлов комиссияларининг аъзолари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланаши мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари, шунингдек, сайлов ҳуқуқи соҳаси мутахассислари ва олимлар иштирок этди.

Конференцияда Президент Ислам Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясида сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича илгари сурилган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама этилди. Сайлов тизимининг қонунчилик асосларини ва давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловлар ўтказиш амалиётини такомиллаштириш борасида Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

Хорижий экспертлар фикр алмашиш давомида сайлов қонунчилиги ва унинг асосидаги сайлов тизимининг амалийлиги демократик давлат ҳамда кучли фуқаролик жамият куришнинг муҳим омили ҳисобланишига эътибор қаратди. Шу муносабат билан экспертлар мамлакатимизда сайловларни кўппартиявийлик асосида ўтказиш, фуқаролар, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг жамият ҳамда давлат бошқарувидаги ролини ошириш учун барча зарур ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратилганини таъкидлади. Бугун фуқаролик жамияти институтлари марказ ва жойларда давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятида, сайловларнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда фаол иштирок этмоқда.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистонда сайлов тизimini ва сайлов жараёнини демократлаштириш борасида катта тажриба тўплангани ва ундан демократияни қураётган бошқа кўплаб мамлакатлар ҳам ўз амалиётида ундан фойдаланиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирди.

Конференция якуни бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.